

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

43-сон
(387)
2009 йил
26 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

456. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 15 октябрдаги 274-сон қарори
457. «Ўзбекистон Республикасига грантли беғараз техник кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 октябрдаги 275-сон қарори
458. «Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 22 октябрдаги 277-сон қарори

Бешинчи бўлим

459. «Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2009 йил 22 сентябрдаги 11, 59 Қ/Қ, 96-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2019*)
460. «2006 йил 19 июндаги 517-сонли ва 2007 йил 22 февралдаги 12-сонли буйруқларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 37-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1597-2*)
461. «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10, 39-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020*)
462. «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 18 сентябрдаги 92, 26/1, 2009-28-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2021*)
463. «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлигининг 2009 йил 24 августдаги 167-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 17 октябрдан 23 октябргача бўлган маълумот

Ҳакамлик судлари тўғрисида ахборот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

456 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро молия институтлари, хорижий ҳукуматларнинг молиявий ташкилотлари ва донор мамлакатларнинг маблағларини жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 12 августдаги 229-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ баъзи қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Қуйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки гуруҳи билан ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 22 июлдаги 261-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Икки томонлама Ҳукуматлараро ва Идоралараро комиссиялар, қўмиталар ва кенгашларнинг таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 14 декабрдаги 520-сон қарорига 25 ва 26-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 октябрь,
274-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 15 октябрдаги 274-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг баъзи қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан давлат мониторинги тўғрисида» 2000 йил 4 январдаги 1-сон қарориди:

а) 2-банднинг учинчи хатбошидаги «Мувофиқлаштирувчи кенгаш» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 3-банднинг олтинчи хатбошидаги «Мувофиқлаштирувчи кенгаш» сўзлари «Идоралараро кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5 ва 6-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон қарориди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 9-сон, 83-модда):

а) 2-илованинг 46-бандидаги «Мувофиқлаштирувчи кенгаш» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илованинг 32-бандидаги «Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгашнинг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этилган республика комиссиялари ва кенгашлари раҳбарларининг таркиблари тўғрисида» 2004 йил 9 февралдаги 60-сон қарорига 1-иловадаги «Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Қурилиш, қурилиш материаллари саноати, коммунал хизматлар кўрсатиш ва транспорт комплекси раҳбари бошқарадиган комиссиялар» бўлимининг 1-банди ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида» 2005 йил 11 февралдаги 61-сон қаро-

рига 5-илова изоҳларининг биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгаш молиялаштириш манбаларини белгилаган ҳолда инвестиция лойиҳалари рўйхатига аниқлик киритиш ҳуқуқига эга».

5. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 11-сон, 61-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш устидан давлат мониторинги тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгаш (кейинги ўринларда Идоралараро кенгаш деб аталади) — хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича»;

б) 13-банддаги «Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг» сўзлари «Идоралараро кенгашнинг» сўзлари билан ва 18-банднинг еттинчи хатбошидаги «Мувофиқлаштирувчи кенгашга» сўзлари «Идоралараро кенгашга» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 16-банднинг биринчи хатбошидаги «Мувофиқлаштирувчи кенгаш» сўзлари «Идоралараро кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «2008 — 2012 йилларда Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 23 январдаги 12-сон қарорининг 8-банди иккинчи хатбошидаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «2009 йилда умумий фойдаланиладиган халқаро ва давлат аҳамиятига эга бўлган автомобиль йўлларини таъмирлаш дастурлари тўғрисида» 2009 йил 21 январдаги 18-сон қарори 5-бандининг биринчи хатбошидаги «Хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Халқаро молия институтлари, ташкилотлари ва донор мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш, йирик ва стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш масалалари бўйича Идоралараро кенгаш» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**457 Ўзбекистон Республикасига грантли беғараз техник кўмакни жалб этишни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш бўйича устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар, донор мамлакатларнинг беғараз техник кўмаги доирасида Ўзбекистон Республикасига грантлар жалб этиш ҳажмини янада кўпайтириш, шунингдек грантларни жалб этишга доир ишлар мақсадга йўналтирилган тарзда ва самарали олиб борилиши учун вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари ва мансабдор шахсларини рағбатлантиришни кучайтириш ва уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантириш учун беғараз техник кўмакни (грантларни) жалб этишни ташкил қилишнинг, шунингдек ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун ҳисоб ва назоратнинг ягона яхлит тизими яратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикасига беғараз техник кўмак (грантлар)ни кенг жалб этиш бўйича ташаббус кўрсатиш ишлари тизимли асосда олиб борилиши, шунингдек кўрсатиб ўтилган маблағлардан қатъий мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар раҳбарларининг энг муҳим вазифаларидан бири деб ҳисоблансин.

2. Қуйидаги тартиб белгилансин, унга мувофиқ вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари:

грантларни жалб этиш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича ташаббус кўрсатиб ва самарали ишлашни тизимли асосда олиб борганлиги учун, лойиҳанинг аҳамияти ва шахсий улуш ҳисобга олинган ҳолда, ҳисобот ярим йили ва йил якунлари бўйича бир лавозим маошидан беш лавозим маошигача миқдорда мукофотланади;

грантлар жалб этиш иши зарур даражада ташкил этилмаганлиги, лойиҳа таклифлари ўз вақтида ва сифатли тайёрланмаганлиги, лойиҳаларни амалга оширишнинг зарур самарадорлиги таъминланмаганлиги, шунингдек жалб этилган грант маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Мукофотларнинг аниқ миқдорлари ва мукофотланадиган мансабдор шахслар рўйхати ҳар бир аниқ лойиҳа бўйича тегишли тузилмаларнинг так-

димномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аниқлаштирилади ва тасдиқланади.

3. Ўзбекистон Республикасига жалб этиладиган техник кўмак ҳажмлари тизимли асосда қўпайтирилишини таъминлаганлиги учун вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев, Вазирлар Маҳкамаси Бош вазирининг ўринбосарлари — Комплексларнинг раҳбарлари техник кўмак лойиҳаларини (грантларни) жалб этиш ва амалга ошириш масалалари, шу жумладан лойиҳа таклифлари сифатли тайёрланиши, улар ўз вақтида келишилиши, молиялаштириш жалб этилиши, шунингдек маблағлардан самарали фойдаланилиши учун мутасаддилик қилинадиган вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг шахсий ҳисоботларини ҳар чоракда эшитсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган:

2009 йилнинг II ярим йиллигида жалб этиладиган грантлар, халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда донор мамлакатлар билан келишилган беғараз техник кўмак бўйича устувор лойиҳаларнинг аниқ рўйхати 2-илова*га мувофиқ;

2010-2011 йилларда халқаро молиявий ва иқтисодий институтлар ҳамда донор мамлакатлар томонидан молиялаштириш таклиф этилаётган беғараз техник кўмак бўйича устувор лойиҳаларнинг йиғма рўйхати 3-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

2 ва 3-иловаларда кўрсатиб ўтилган вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларига мутасаддилик қилинадиган тармоқларга техник кўмакни жалб этиш бўйича тизимли ишлар зарур тарзда ташкил этилиши, лойиҳа таклифлари сифатли тайёрланиши, лойиҳалар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсий жавобгарлик юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 3-иловада назарда тутилган аниқ лойиҳаларни молиялаштириш масалалари потенциал донорлар билан келишилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан келишган ҳолда, зарурият бўлганда, 3-иловада белгиланган рўйхатга ва лойиҳалар параметрларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2-иловага мувофиқ беғараз техник кўмак (грантлар) бўйича маъқуллан-

* 2-3-иловалар берилмайди.

ган устувор лойиҳаларни пухта ишлаш ва амалга ошириш жараёни самарали мувофиқлаштирилишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда грант маблағларидан техник кўмак лойиҳалари амалга оширилиши учун масъул бўлган вазирликлар ва идоралар томонидан мақсадли фойдаланилиши устидан қатъий объектма-объект назорат ўрнатсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда хорижий инвестицияларни жалб этиш, шу жумладан, биринчи навбатда, ушбу қарорда белгиланган лойиҳаларни амалга ошириш учун техник кўмак маблағларини (грантларни) жалб этиш бўйича чет элдаги дипломатик ваколатхоналар ишини фаоллаштириш юзасидан комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига оқлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 20 октябрь,
275-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 20 октябрдаги 275-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасига жалб этиладиган техник кўмак
ҳажмлари тизимли асосда кўпайтирилишини таъминлаганлиги
учун вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва
мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва масъулиятини
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом халқаро молиявий иқтисодий институтлар ҳамда донор мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикасига жалб этиладиган бегараз техник кўмаги (кейинги ўринларда грантлар деб юритилади) ҳажмини кўпайтириш тизимли асосда таъминланганлиги учун вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикасига грантларни жалб этиш жараёнидаги фаол иштироки учун рағбатлантириш ва тақдирлаш тизими Ўзбекистон Республикасига грантларни жалб этиш жараёнида бевосита қатнашадиган вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари ва ходимлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқлари ва ходимлари, халқаро молиявий институтлардаги Ўзбекистон Республикасидан бошқарувчилар офисларининг мансабдор шахслари учун белгиланади.

3. Рағбатлантириш ва тақдирлаш ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа усуллари билан биргаликда махсус пул тўловлари (кейинги ўринларда «мукофотлаш» деб юритилади) шаклида белгиланади.

4. Қўйидагилар мукофотлаш учун маблағлар манбалари ҳисобланади:

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар учун — бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси маблағлари, шунингдек бюджетдан ташқари маблағлар;

хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар учун — ўз маблағлари.

II. Ўзбекистон Республикасига грантлар жалб этиш ҳажми кўпайишини тизимли асосда таъминлаётган вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларини рағбатлантириш тартиби

5. Рағбатлантириш чора-тадбирларини қўллаш учун қўйидагилар Ўзбекистон Республикасига грантлар жалб этиш жараёнида аниқ ҳар бир ходимнинг иштироки даражасини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳисобланади:

грантларни жалб этиш масалаларида ташаббус кўрсатиш, уюшқоқлик ва изчиллик, беғараз техник кўмак лойиҳаларини олға силжитиш;

грантни жалб этиш ёки лойиҳани амалга ошириш жараёнида техник-иқтисодий асослаш ва техник-иқтисодий ҳисоб-китобни, бошқа лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашнинг сифат даражаси;

лоyiҳани амалга ошириш жараёнига қўшилган шахсий улуш;

лоyiҳа билан унинг параметрларида белгиланганига қараганда самарадорликнинг юқориқ кўрсаткичларига эришиш.

6. Грантларни жалб этиш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича ташаббус кўрсатиб ва самарали ишлаш тизимли асосда олиб борилганлиги учун, лойиҳанинг аҳамияти ва шахсий улуш ҳисобга олинган ҳолда, ушбу Низомнинг 5-бандида кўрсатилган мезонларга мувофиқ вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мутахассислари ҳисобот ярим йили ва йил якунлари бўйича лавозим маошларининг бир бараваридан беш бараваригача миқдорда мукофотландилар.

7. Мукофотларнинг аниқ миқдорлари ва мукофотландиган мансабдор

шахслар рўйхати ҳар бир аниқ лойиҳа бўйича тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан аниқлаштирилади ва тасдиқланади.

Мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган рўйхат асосда:

мансабдор шахсларни мукофотлаш — вазирлик, идора, ташкилот раҳбарининг буйруғига мувофиқ;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларини мукофотлаш — мутасаддилик қиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари қарорига мувофиқ амалга оширилади.

III. Грантларни жалб этиш иши зарур даражада ташкил этилмаганлиги учун вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини жавобгарликка тортиш тартиби

8. Вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслари:

грантларни жалб этиш иши зарур тарзда ташкил этилмаганлиги, бу лойиҳа ҳужжатларини ўз вақтида ва сифатли тайёрлашга, лойиҳани амалга ошириш самарадорлигига, грантлар жалб этиш прогнозлари бажарилишига бевосита таъсир этганлиги;

лойиҳа таклифлари ўз вақтида ва сифатли тайёрланмаганлиги;

республика Ҳукумати томонидан, грантлар ажратиш тўғрисидаги битимлар, лойиҳа параметрлари билан белгиланган грантларни жалб этиш муддатлари ва лойиҳаларни амалга ошириш муддатлари барбод қилинганлиги;

лойиҳани амалга ошириш шартлари бузилганлиги муносабати билан лойиҳанинг параметрларида белгиланган самарадорлик кўрсаткичларига эришилмаганлиги;

жалб этилган грант маблағларидан бошқа мақсадда фойдаланилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

9. Ушбу Низомнинг 8-бандида кўрсатилган қоида бузилиши учун Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, идоралари ва ташкилотларининг раҳбарлари ва мансабдор шахсларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда интизомий жазонинг қуйидаги чоралари қўлланилиши мумкин:

мукофотдан маҳрум қилиш;

ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизигача миқдорда жарима солиш;
хайфсан бериш;

эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш.

10. Интизомий жазо чоралари Ўзбекистон Республикаси Молия вазир-

лигининг грантлар жалб этилиши ва лойиҳалар амалга оширилиши тўғрисидаги хулосаси ҳисобга олинган ҳолда:

мансабдор шахсларга — вазирлик, идора, ташкилот раҳбарининг буйруғига мувофиқ;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларига — мутасаддилик қиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари қарорига мувофиқ кўрилади.

11. Аниқ бир ижрочилар томонидан грантларни жалб этиш юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижалари тегишли вазирликлар ва идоралар ҳайъатларида танқидий кўриб чиқилади.

12. Грантларни жалб этиш масалалари бўйича вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари ҳар чоракда мутасаддилик қиладиган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари томонидан эшитилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

458 Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 — 2014 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистралини реконструкция қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 22 апрелдаги ПҚ–1103-сон қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб ҳаракатланиш қатнашчилари учун халқаро стандартларга жавоб берадиган шарт-шароитлар яратиш, янги иш ўринлари шакллантириш, шунингдек автомагистрал ёнидаги ер участкаларидан оқилона ва самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон миллий автомагистрали ёнидаги мавжуд йўл инфратузилмаси ва сервисини объектлари уларнинг шаҳарсозлик норма ва қоидаларига мувофиқлиги юзасидан ялпи хатловдан ўтказилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, «Давархитектқурилиш» қўмитаси, Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги томонидан Қорақалпо-

гистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда мақсадли параметрлари ва молиялаштириш манбалари билан бирга ишлаб чиқилган 2010 — 2015 йилларда Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервисини ривожлантириш дастури 1-илова*га мувофиқ;

Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуриш учун ер участкалари ажратиш бўйича низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларининг жойлаштирилишини кўриб чиқиш ва келишиш бўйича Комиссия 3-иловага* мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришда ягона шаҳарсозлик сиёсати ўтказилишини таъминлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган ҳужжатлар асосида Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларининг жойлаштирилишини келишиш;

объектни жойлаштириш учун танланаётган ер участкасининг аҳоли пунктлари ва умуман минтақа ҳудудларини қуришни ривожлантириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларига, шунингдек шаҳарсозлик, экология, санитария, ёнғинга қарши кураш ва бошқа мажбурий норма ва қоидаларга мувофиқлигини ҳар томонлама таҳлил қилиш;

ушбу қарор билан тасдиқланган Дастурга мувофиқ Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг аниқ манзилли рўйхатларини тасдиқлаш;

Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришни келишиш юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ қарорлар қабул қилиш.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, «Йўл-лойиҳа бюроси» масъулияти чекланган жамият лойиҳалаш институти Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда ҳар йили 1 ноябргача бўлган муддатда Комиссияга, Дастурнинг тасдиқланган параметрларини ҳисобга олган ҳолда, келгуси йилда йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини қуриш ва реконструкция қилишнинг аниқ манзилли рўйхатлари тасдиқлаш учун киритилишини таъминласинлар.

Комиссия ушбу қарор билан тасдиқланган дастурнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторинг ўрнатсин ва ҳар чоракда Қорақалпоғис-

* 1, 3-иловалар берилмайди.

тон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг ҳисоботларини эшитиб борсин.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси, «Йўл-лойиҳа бюроси» масъулияти чекланган жамият, «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» очиқ акциядорлик жамияти, «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси ва «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳалаш ташкилотлари буюртмачиларнинг буюртманомаларига биноан йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари лойиҳаларини тайёрлаш бўйича асосий бажарувчилар ҳисобланадилар, шунингдек ушбу объектлар қурилишида архитектура-режалаштириш талабларига ва белгиланган қурилиш нормаларига риоя этилиши юзасидан зарур назоратни таъминлайдилар;

лойиҳалаш ташкилотлари томонидан берилган йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларининг тасдиқланган лойиҳаларидан ҳар қандай четга чиқиш юқорида кўрсатиб ўтилган Комиссия томонидан ушбу объектларнинг харажатларини тўламасдан бузиб ташланиши юзасидан қарор қабул қилиниши учун асос ҳисобланади;

маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари, Республика йўл жамғармаси, хусусий тадбиркор-қурувчилар йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини қуриш бўйича лойиҳаларнинг буюртмачилари бўлишлари мумкин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини қуриш учун ер участкалари ажратиш қатъиян ушбу қарор билан ташкил этилган Комиссиянинг қарорлари асосида амалга оширилади;

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини янгидан қуриш ва реконструкция қилиш фақат белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳалар асосида амалга оширилади.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари белгиланган тартибда:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2010 йил 1 июлгача бўлган муддатда қўриқландиган зонада ҳамда Ўзбекистон миллий автомагистралининг йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришга мўлжалланган қўриқландиган зонасига туташ ҳудудда жойлашган, шаҳарсозлик норма ва қоидаларига жавоб бермайдиган бино ва иншоотларнинг бузиб ташланишини;

йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларига, шунингдек кўчириладиган объектлар қайта жойлаштириладиган жойларга зарур муҳандислик коммуникацияларини объектлар қурилишидан олдин ўтказиш чора-тадбирлари кўрилишини;

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитаси билан биргаликда — Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуриш учун ер участкалари ажратиш бўйича Низом талабларига қатъий ва сўзсиз риоя этилишини таъминласинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилишини, шунингдек қурилиш-монтаж ишлари сифати юзасидан белгиланган тартибда тизимли назорат амалга оширилишини таъминласин.

9. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари бир ой муддатда ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 октябрь,
277-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 22 октябрдаги 277-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл
инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуриш учун
ер участкалари ажратиш бўйича
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуриш учун ер участкалари танлаш ва ажратиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари — юк ва ташкилий равишда йўловчилар ташишга, шунингдек йўл ҳаракати қатнашчиларига хизмат кўрсатиш учун бир мақсадли битта ёки комплекс таркибидаги бинолар ва иншоотлар;

ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг дам олишини таъминлашга оид объектлар — кемпинглар, мотеллар, шунингдек санитария-гигиена узеллари ва автомобиллар тўхташ жойларидан иборат бўлган қисқа муддатли дам олиш майдончалари;

транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш объектлари — автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари, техник хизмат кўрсатиш станциялари ва техник ёрдам кўрсатиш пунктлари;

автотранспорт объектлари — автовокзаллар, юк автостанциялари, асосий транспорт-фойдаланиш терминаллари, диспетчерлик-назорат пунктлари;

тиббий ва авария ёрдами объектлари — тиббиёт пунктлари, дори-хоналар, авария-чақириш хизмати, шошилич чақириш колонкаси;

кемпинг — ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг дам олишига, овқатланишига, шунингдек ягона ҳудудда жойлашган транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатишга мўлжалланган йўл инфратузилмаси ва сервисининг комплекс бинолари ва иншоотлари;

мотель — овқатланиш, маданий дам олиш, алоқа, тиббий ёрдам, майда техник хизмат кўрсатиш ва транспорт воситаларини ювишни таъминлаш бўйича комплекс хизматлар кўрсатиладиган, автотуристларнинг дам олиши учун мўлжалланган йўл инфратузилмаси ва сервисининг комплекс бинолари ва иншоотлари.

3. Йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари қуйидаги йўналишлар бўйича хизматлар кўрсатади:

ҳайдовчилар ва йўловчилар, автотуристларнинг дам олишини таъминлаш; транспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш; автотранспорт хизмати; тиббий ёрдам ва авария ҳолатида ёрдам бериш.

4. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини комплекс мақбул жойлаштириш, шу жумладан техник хизмат кўрсатиш станциялари, автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчалари, овқатланиш ва савдо пунктларининг қулай жойлашиши объектларни жойлаштиришга қўйиладиган асосий талаблар ҳисобланади.

5. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектлари Ўзбекистон миллий автомагистралининг муҳофаза зонаси чегарасига туташ ҳудудда жойлаштирилади. Ўзбекистон миллий автомагистрали қўриқлаш зонаси полосасининг кенглиги тасдиқланган шаҳар-созлик нормалари ва қоидаларига мувофиқ йўлнинг ҳар бир томонидан 25 метрни ташкил этади.

6. Зарур бинолар ва иншоотлар комплексини (кемпинг, мотель) мақбул жойлаштириш атроф муҳитни муҳофаза қилишга, хизмат кўрсатиш даражасига ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қўйиладиган талабларга мувофиқ эстетик талабларни, минтақавий хусусиятларни ва ландшафт шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

Кемпинглар ва мотеллар аҳоли пунктлари четида ёки унинг ташқарисида, имкони борича, туристлар ва ҳаракатнинг бошқа қатнашчилари учун жозибали бўлган хушманзара жойларда, асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши учун кам қийматли бўлган, Ўзбекистон миллий автомагистралининг муҳофаза зонаси чегарасига туташ ҳудудга бевосита туташган йўл участкаларида жойлаштирилади.

Транзит мотеллар ва кемпинглар сифими (ётоқ жойлар сони) ўтадиган автотуристлар сони ҳамда шаҳарлараро ҳамда халқаро йўловчилар ва юк

ташиш автомобиллари ҳаракати жадаллиги ҳисобга олинган ҳолда қабул қилиниши керак.

Кемпинглар ва мотеллар бир-биридан шахмат тартибида йўлнинг ҳар икки томонида жойлаштирилиши керак. Кемпинглар ва мотеллар оралиғидаги масофа 100 километрдан ортиқ бўлмаслиги керак.

7. Дам олиш майдончалари ҳар 15 — 20 километрда жойлаштирилиши керак. Дам олиш майдончалари ҳудудида автомобилларни техник кўриқдан ўтказиш учун иншоотлар ва савдо пунктлари назарда тутилиши мумкин.

8. Автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчаларини ва техник хизмат кўрсатиш станцияларини жойлаштириш, уларнинг қувватини белгилаш техник-иқтисодий ва статистик ўрганишлар асосида амалга оширилиши керак. Автомобилларга ёқилғи қўйиш шохобчалари (бир суткада ёқилғи қўйишлар сони) қуввати, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш станциялари постлари сони ва улар оралиғидаги масофа автомобиллар ҳаракати жадаллигига қараб ШНК 2.05.02-07 «Автомобиль йўллари» бўйича ҳисоб-китоблар асосида амалга оширилади.

Автомобиль сервис бинолари ва иншоотларини жойлаштиришда энергия, сув таъминоти ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг мавжудлиги, шунингдек уларни янада ривожлантириш имконияти ҳисобга олинishi зарур.

9. Объектларни лойиҳалаштириш шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари талаблари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилиши керак.

Объектларни жойлаштиришда ерлардан экология, санитария жихатидан, шунингдек оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

10. Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси объектлари қуриш учун ер участкалари шаҳарсозлик фаолияти учун ер участкаси ажратиш тартибида, Комиссиянинг ваколатларига мувофиқ, юридик ва жисмоний шахсларнинг аризалари асосида икки босқичда ажратилади:

биринчи босқичда — Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервис объектларини лойиҳалаштириш учун ер участкаси танланади;

иккинчи босқичда — Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервис объектлари қуриш учун ер участкаси материаллари тайёрланади, келишилади ва тасдиқланади.

II. Объектлар қуриш учун ер участкаси танлаш тартиби

11. Объектларни лойиҳалаштириш учун ер участкаси танлашни келишиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан тақдим этилган таклифлар асосида Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервис объектларини жойлаштиришни кўриб чиқиш ва келишиш бўйича Комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

12. Туманлар (шаҳарлар) архитектура ва қурилиш бўлимлари (бошқармалари) объектларни жойлаштириш ва қуриш учун участка танлашга доир ҳужжатларни тайёрлаш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг ишчи органи ҳисобланади.

13. Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини қуриш учун ер участкаси танланишидан (берилишидан) манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахслар сўралаётган ер участкаси жойлашган жойдаги туман (шаҳар) ҳокими номига ариза берадилар.

14. Туман (шаҳар) ҳокими бир иш куни мобайнида юридик ёки жисмоний шахснинг аризасини қурилиш объектини жойлаштириш тўғрисида таклиф киритиш учун ишчи органга юборади.

15. Ишчи орган юридик ёки жисмоний шахс томонидан ариза берилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида Комиссияга киритиш учун объектни жойлаштиришнинг қуйидаги ҳужжатларини тайёрлайди ва Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларига тақдим этади:

объектнинг номи, шу жумладан, унинг қуввати (паспорти), объектни қуриш назарда тутилаётган Ўзбекистон миллий автомагистрали йўл участкаси манзили (км) кўрсатилган ҳолда туман (шаҳар) ҳокими номига ариза; йўл инфратузилмаси ва сервиси объектнинг белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий лойиҳаси;

ер участкасининг тавсифи (бош режаларга эга бўлмаган аҳоли пунктлари ва туманнинг қишлоқлараро ҳудуди учун — тегишли аҳоли пунктнинг М 1:2000 навбатчи режасидан кўчирма, М 1:10000 топографик сурат) — туман (шаҳар) ҳокими ҳамда туман (шаҳар)нинг манфаатдор ташкилотлари билан келишилган вазият режаси билан бирга;

Ўзбекистон миллий автомагистрали участкаси қамраб олинган ҳолда, ер участкасининг камида икки томонининг атрофдаги объектлари акс эттирилган фотосурати (15 x 20).

16. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари келишиш учун тақдим этилган ҳужжатларни икки иш куни мобайнида кўриб чиқади-лар.

Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришни келишишда ҳужжатлар:

Ўзбекистон миллий автомагистралининг вилоят маркалари ва шаҳар аҳоли пунктлари чегараси бўйлаб ўтадиган участкалари бўйича — «ЎзшаҳарсозликЛИТИ» очик акциядорлик жамиятига;

Ўзбекистон миллий автомагистралининг Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари, шунингдек Тошкент вилоятининг шаҳар аҳоли пунктлари чегаралари бўйлаб ўтадиган участкалари бўйича — «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонасига;

Ўзбекистон миллий автомагистралининг қишлоқ аҳоли пунктларидан ва қишлоқлараро ҳудуддан ўтадиган участкалари бўйича — «Қишлоққурилиш-лойиҳа» масъулияти чекланган жамиятга юборилади.

Такдим этилган ҳужжатлар тегишли лойиҳа ташкилотлари томонидан уч иш куни мобайнида келишилади.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари «Ўзшаҳар-созликЛИТИ» очиқ акциядорлик жамияти, «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси лойиҳа-қидирув ташкилотлари, «Қишлоққурилишлойиҳа» масъулияти чекланган жамият лойиҳа-қидирув институти уч иш куни мобайнида Ўзбекистон миллий автомагистрالي участкаларида қурилиш объектларининг жойлашиши схемасига мувофиқ шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида объектларни жойлаштиришни кўриб чиқадилар.

Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштириш схемаси «Йўл-лойиҳа бюроси» масъулияти чекланган жамият лойиҳа институти томонидан ишлаб чиқилади, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари билан келишилади ҳамда Комиссия қарори билан тасдиқланади.

18. Ўзбекистон миллий автомагистрالي бўйлаб йўл инфратузилмаси ва сервиси объектларини жойлаштиришни лойиҳа-қидирув ташкилотлари билан келишишда ҳужжатлар уч иш куни мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари томонидан кейинчалик Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ҳокимлари ёки уларнинг биринчи ўринбосарлари (фақат биринчи шахс вақтинча бўлмаган ҳолларда) томонидан имзоланган илова хат билан биргаликда келишиш мақсадида Комиссияга юбориш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоятлар ҳокимликларига такдим этилади.

Кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатлар асл нусхада, уларга асл нусханинг бир нусхаси илова қилинган ҳолда киритилади.

Юридик ва жисмоний шахснинг аризаси берилган кундан бошлаб ҳужжатлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан Комиссияга такдим этилгунигача умумий муддат ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

19. Комиссия такдим этилган ҳужжатлар олинган пайтдан бошлаб ўн беш кун мобайнида уларни кўриб чиқади ва баённома билан расмийлаштириладиган тегишли қарор қабул қилади.

20. Комиссия мажлиси баённомаси Комиссия раиси ёки унинг ўринбосари (биринчи шахс вақтинча бўлмаганда) томонидан тасдиқланади.

Комиссия қарори Комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Комиссия аъзолари Комиссиянинг қарорига рози бўлмаган тақдирда ўзларининг асосланган хулосаларини баённомага илова қилиш ҳуқуқига эгадир.

21. Комиссия мажлиси баённомаси Комиссия раиси томонидан тасдиқлангандан кейин уч иш куни мобайнида кўриб чиқиладиган барча ҳужжат-

лар илова қилинган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоятлар ҳокимликларига юборилади.

Объектни жойлаштиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилинган тақдирда баённомада бундай рад этишнинг сабаби кўрсатилади.

22. Комиссия баённомасининг асл нусхаси Комиссия котибида — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашида — вилоятлар ҳокимликларига, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасида, вилоятлар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларида сақланади.

23. Комиссия томонидан ер участкасини танлаш ва объектларни жойлаштириш бўйича ижобий қарор қабул қилинган тақдирда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бир иш куни мобайнида ҳужжатларни Ўзбекистон миллий автомагистрали бўйлаб жойлашган ер участкасини танлашга доир материалларни тайёрлаш учун Ишчи органга юборади.

24. Ишчи орган ўн иш куни мобайнида жисмоний ёки юридик шахс билан шартнома асосида, Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ваколатли бўлинмаларини (объектлар аҳоли пунктларидан ташқарида жойлаштирилган тақдирда) ва бошқа манфаатдор ташкилотларни жалб этган ҳолда ер участкасини танлаш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уни олиш шартлари бўйича материалларни тайёрлайди.

Ер участкаси танлаш бўйича материалларни келишувчи ташкилотлар материаллар олингандан кейин беш иш куни мобайнида уларни кўриб чиқади ва ўзларининг асосланган хулосаларини Ишчи органга тақдим этади.

25. Ишчи орган ер участкасини танлаш бўйича материалларни тасдиқлаш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ҳокимликларига қуйидаги таркибда тақдим этади:

объектни жойлаштириш материаллари;

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ер участкаси чегараси режаси;

ер участкасини танлаш бўйича материаллар келишиладиган ташкилотларнинг хулосалари;

ер участкалари мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг кўрадиган бошқа зарарлари, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқаришининг йўқотишлари (зарурият бўлганда) миқдорини аниқлаш далолатномаси;

ер участкаси ўрмон хўжалиги корхоналари ерларидан олинган тақдирда ажратиладиган ер участкасини техник текшириш далолатномаси (зарурият бўлганда);

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Давлат экология экспертизаси хулосаси;

танланган ер участкасининг ер ҳақидаги қонунлар талабларига мувофиқлиги тўғрисида туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг хулосаси;

ер участкаси олиб қўйилаётган юридик ва жисмоний шахслар билан келишишга оид ҳужжатлар.

Кўрсатиб ўтилган барча ҳужжатлар нусхалари илова қилинган ҳолда асл нусхада киритилади.

26. Ишчи орган томонидан тақдим этилган материаллар асосида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокими уч иш куни мобайнида ер участкасини танлаш бўйича материалларни намунавий лойиҳани аниқ бир ер участкасига тўғрилаш учун тасдиқлайди ва ўз қарорини ер участкасини танлаш бўйича ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантириш ишларини ташкил этиш учун тегишли равишда туман (шаҳар) архитектура бўлимига (бошқармасига) юборди.

Ер участкасини танлаш бўйича ҳужжатлар йиғмажилди уч нусхада расмийлаштирилади, унинг бир нусхаси ўзи учун ер участкаси танланган юридик ва жисмоний шахсга берилади, иккинчи нусхаси — Ишчи органга, учинчи нусхаси туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимига берилади.

27. Ер участкасини танлаш бўйича материаллар тасдиқлангандан кейин юридик ёки жисмоний шахснинг аризаси ва белгиланган тартибда ишлаб чиқилган бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатлар асосида лойиҳа ташкилоти томонидан қурилиш объектининг намунавий лойиҳаси тўғриланади, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси ҳузуридаги ёки вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиш амалга оширилади.

Қурилиш лойиҳасини келишиш архитектура-шаҳарсозлик кенгаши томонидан тўлов ундирилмасдан уч иш куни мобайнида амалга оширилади.

Қурилишнинг келишилган лойиҳаси белгиланган тартибда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг экспертиза бошқармалари томонидан амалга ошириладиган давлат экспертизасидан ўтказилади.

28. Давлат ҳокимияти органи лойиҳа ишлаб чиқилиши мониторингини олиб бораётган Ишчи органнинг асосланган тақдимномаси асосида ўзи учун ер участкаси танланган юридик ёки жисмоний шахс томонидан ер участкасини танлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин уч ой мобайнида объект бўйича лойиҳа ишлари бошланмаган ҳолларда ўз қарорини бекор қилиш ҳуқуқига эга.

III. Объектлар қуриш учун ер участкаси ажратиш тартиби

29. Объект қуриш лойиҳаси келишилгандан ва тасдиқлангандан кейин юридик ва жисмоний шахс ер участкаси ажратиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва вилоят ҳокимига ариза беради.

Аризага қўйидагилар илова қилинади:

ер участкасини танлаш бўйича материаллар;

қуриш навбати кўрсатилган ҳолда объектнинг бош режаси нусхаси;

қурилиш лойиҳасини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли давлат органлари билан келишиш тўғрисидаги ҳужжатлар;

қурилиш лойиҳасини Қорақалпоғистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси ҳузуридаги архитектура-шаҳарсозлик кенгаши билан келишиш баённомаси нусхаси;

объект қурилиши лойиҳаси бўйича экспертиза органининг хулосаси.

30. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокими икки иш куни мобайнида юридик ва жисмоний шахснинг ер участкаси бериш тўғрисидаги аризасини ер участкаси ажратиш ишларини ташкил этиш учун Ишчи органга юборди.

31. Ишчи орган ўн беш иш куни мобайнида, белгиланган тартибда объектни қуриш учун ер участкаси ажратишга доир ҳужжатларни тайёрлайди.

32. Ер участкаси ажратишга доир ҳужжатлар ер участкасини танлашга доир ҳужжатлар ҳамда белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган объект қурилиши лойиҳаси асосида тузилади.

33. Қишлоқ хўжалигида қишлоқ хўжалигидан ташқари мақсадларда фойдаланиладиган ерларни ажратиш уларнинг амалда зарурлиги ва, қоидага кўра, уларда етиштирилган ҳосил йиғиштириб олингандан кейин амалга оширилади.

34. Ер участкаси ажратишга доир материалларни ишлаб чиқиш жараёнида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер участкаларининг эгалари, фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорларга етказилиши мумкин бўлган зарарлар ҳажми, шунингдек қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши йўқотишлари аниқлаштирилади.

35. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокими уч иш куни мобайнида ўз ваколатлари доирасида, Ишчи орган томонидан тайёрланган материаллар асосида, объект қурилиши учун ер участкаси ажратиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ер участкаси ажратишга доир материаллар нусхаси давлат ҳокимияти органларининг қарори илова қилинган ҳолда ер участкаси чегараларини натурага тушириш ва объектни қуриш учун Ишчи органга берилади.

36. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ёки вилоят ҳокимининг ер участкасига доир материалларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорида қуйидаги масалалар акс эттирилиши керак:

ер участкаси кимга ва қандай мақсадларда ажратилмоқда, шунингдек ер уларнинг ерларидан олинаётган (сотиб олинаётган) мулкдорлар, ер эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг номи;

ер участкалари мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачилар бўйича ер майдонидан (мавжуд бўлганда) берилаётган ер участкасининг умумий майдони, шунингдек олиб қўйилаётган қишлоқ хўжалиги экин майдонининг сифати (бонитет баллари);

ер участкалари мулкдорлари, эгалари, фойдаланувчилар ва ижарачиларга қопланиши керак бўлган (мавжуд бўлганда) зарарлар ҳажми;

қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши йўқотишлари ҳажми (мавжуд бўлганда);

тупроқнинг унумдор қатламини ажратиб олиш зарурлиги (мавжуд бўлганда);

сув муҳофазаси, экология, санитария талаблари, бошқа шартлар ва талаблар.

IV. Яқунловчи қоидалар

37. Комиссияга тақдим этиладиган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва вилоятлар ҳокимлари жавоб берадилар.

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚўМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

459 Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2019*

(2009 йил 26 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги ПФ-4119-сонли «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 28-сон, 324-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сонли «Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 34-сон, 370-модда) бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 августдаги 233-сонли қарори билан тасдиқланган Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари 2009 йилнинг 1 январидан бошлаб амал қилинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва

инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорлари иловага мувофиқ ўзгартирилсин.

3. Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари илмий ва раҳбар ходимларнинг иш ҳақларини 2009 йил 1 январдан амалга киритилган ҳамда 2009 йил 1 августдан ўзгартирилган базавий лавозим маошлари миқдорини ҳисобга олган ҳолда 2009 йилнинг охиригача қайта ҳисобланишини ва тўла-нолигини таъминласин.

4. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси раиси**

Ш. САЛИХОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 сентябрь,
11-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазيري в.б.**

А. ХАИТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 сентябрь,
59 Қ/Қ-сон

Молия вазيري

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 22 сентябрь,
96-сон

Ўзбекистон Республикаси
 Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва
 технологияларни ривожлантиришни мувофиқ-
 лаштириш қўмитаси, Ўзбекистон Республика-
 си Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
 қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг
 2009 йил 22 сентябрдаги 11, 59 Қ/Қ,
 96-сонли қарорига
 ИЛОВА

**Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий
 тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника
 дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-
 тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг
 базавий лавозим маошлари
 МИҚДОРЛАРИ**

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
1.	Институт директори	
	профессор	520 038
	фан доктори	498 911
	фан номзоди	477 899
2.	Директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари, институт ва бошқа илмий муассасалар филиалининг директори	
	профессор	477 899
	фан доктори	460 920
	фан номзоди	440 299
3.	Институтнинг илмий котиби, Илмий-тадқиқот лабораторияси (бўлими) мудири	
	фан доктори ёки профессор	460 920
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	440 299
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	423 434
4.	Филиал ва бошқа илмий муассасалар директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари	
	фан доктори ёки профессор	440 299
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан номзоди	423 434
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	406 476
5.	Бош илмий ходим	
	профессор илмий унвонига эга бўлган фан доктори	440 299
	катта илмий ходим ёки доцент илмий унвонига эга бўлган фан доктори	423 434
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	406 476
6.	Етакчи илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан доктори	423 434

Т/р	Лавозимларнинг номи	Базавий лавозим маошларининг миқдори, сўм
	илмий унвонга эга бўлмаган фан доктори	406 476
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	386 415
7.	Катта илмий ходим	
	илмий унвонга эга бўлган фан номзоди	386 415
	илмий унвонга эга бўлмаган фан номзоди	366 583
	илмий даражага эга бўлмаган	347 193
8.	Кичик илмий ходим	
	фан номзоди	366 583
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилдан ортиқ илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	347 193
	илмий даражага эга бўлмаган (2 йилгача илмий фаолият тажрибасига эга бўлган)	327 964
9.	Тажриба орттирувчи тадқиқотчи	289 365

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
 ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
 ЖИНОЙЎЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
 КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИ БОШЛИҒИНИНГ
 БУЙРУҒИ

460 2006 йил 19 июндаги 517-сонли ва 2007 йил 22 февралдаги 12-сонли буйруқларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1597-2

(2009 йил 26 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳамда айримларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги ПФ-4148-сонли Фармонига асосан, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 2009 йил 22 апрелдаги ЎРҚ-212-сонли Қонун талабларининг ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Департамент бошлиғининг 2006 йил 19 июндаги «Пул маблағлари ёки

бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш Қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 517-сонли (рўйхат рақами 1597, 2006 йил 19 июль) ҳамда 2007 йил 22 февралдаги «Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» буйруқнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида»ги 12-сонли (рўйхат рақами 1597-1, 2007 йил 6 март) буйруқлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун муддат ўтгач кучга киради.

Бошлиқ

3. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
37-сон

Келишилган:

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

2009 йил 13 октябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
ЖИНОЙЎ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

461 Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида
жинойй фаолиятдан олинган даромадларни легал-
лаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши ку-
рашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғри-
сида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020*

(2009 йил 29 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ–331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 й., 18-сон, 147-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Адлия вазири

Р. МУҲИТДИНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
10-сон

**Солиқ, валютага оид
жиноятларга ва жиной
даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш
департаменти бошлиғи**

З. ДЎСАНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 13 октябрь,
39-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура
хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга
ва жиной даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш департаментининг 2009 йил
13 октябрдаги 10, 39-сонли қарорига
ИЛОВА

**Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида
жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга
ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш
бўйича ички назорат
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 43-сон, 451-модда) мувофиқ давлат нотариал идоралари ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар (бундан кейинги ўринларда нотариал идоралар деб юритилади), шунингдек, адвокатлик тузилмаларида жиной фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланган:

бенефициар мулкдор — пировард натижада мулк ҳуқуқига эга бўладиган ёки мижозни аниқ назорат қиладиган жисмоний шахс, шу жумладан, унинг манфаатлари йўлида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция амалга ошираётган юридик шахс;

ички ҳужжатлар — ички назоратни ташкил этиш ва амалга оширишни тартибга солувчи, нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари раҳбарлари томонидан тасдиқланадиган ҳужжатлар;

ички назорат — махсус ваколатли давлат органига хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлаш бўйича нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмаларининг фаолияти;

идентификациялаш — миждозни лозим даражада текшириш мақсадида, у топширган ҳужжатлар асосида нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари томонидан миждозлар тўғрисидаги маълумотларни аниқлаш;

миждоз — нотариал идора ёки адвокатлик тузилмасига пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни амалга ошириш тўғрисида ёзма ёки оғзаки топшириқ (ариза, илтимоснома) билан муздожаат қилувчи жисмоний ёки юридик шахс;

миждозни лозим даражада текшириш — миждознинг ва қайси шахслар номидан иш кўраётган бўлса, ўша шахсларнинг шахсини ҳамда ваколатларини текшириш, таъсис ҳужжатлари асосида мулк ва бошқарув тузилишини ўрганиш орқали бенефициар мулкдорни идентификациялаш, шунингдек, миждоз томонидан амалга ошириладиган амалий иш муносабатлари ва операцияларни, уларнинг бундай миждоз ва унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларга мувофиқлигини текшириш мақсадида доимий асосда ўрганиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операциялар — ички назоратни ўтказиш давомида нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари томонидан шубҳали деб топилган содир этилаётган ва тайёрланаётган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар;

шубҳали операция — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ, тайёрлаш, содир этиш жараёнида бўлган ёки содир этиб бўлинган, ички назорат қоидаларини амалга оширишда нотариал идорада ёки адвокатлик тузилмасида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва (ёки) терроризмни молиялаштириш мақсадида амалга оширилганлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлган операция;

махсус ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти номидан Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бошқармаси (бундан кейинги ўринларда Департамент деб юритилади);

ҳудудий адлия органлари — Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари.

2. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари миждозлар учун ёки улар номидан операциялар ўтказганда қуйидаги соҳаларда ички назоратни амалга оширади:

кўчмас мулкни сотиб олиш ёки сотиш;

миждознинг пул маблағлари, қимматли қоғозлари ёки бошқа мол-мулкни бошқариш;

банк, жамғарма ҳисобварақлари ёки қимматли қоғозлар ҳисобварақларини бошқариш;

юридик шахсларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш ёки бошқариш учун маблағлар йиғиш;

юридик шахсларни ташкил этиш, фаолият кўрсатиш ёки бошқариш ҳамда корхоналарнинг олди-сотдиси.

3. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмаларининг ички назорат қилиш мақсадлари қуйидагилардан иборат:

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга йўналтирилган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни самарали аниқлаш ва олдини олиш;

нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмаларининг қасддан ёки қасддан бўлмаган жиноий фаолиятга жалб қилинишига йўл қўймаслик;

нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни тайёрлаш ва амалга оширишда ички ҳужжатларга ёпишмай риоя қилинишини таъминлаш.

4. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари ички назоратининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

қонун ҳужжатлари, мазкур Қоидалар ва ички ҳужжатларга мувофиқ мижозларни лозим даражада текшириш чораларини амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни, шунингдек, операцияни амалга оширишда фойдаланиладиган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк манбаларининг келиб чиқишини аниқлаш ва ўрганиш;

мазкур Қоидаларнинг 24-бандида белгиланган мезонлар асосида шубҳали операцияларни аниқлаш;

ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган ва хабар қилиниши лозим бўлган шубҳали операциялар ҳақидаги ахборотлар (ҳужжатлар)ни Департаментга ўз вақтида тақдим этиш;

алоҳида ҳолларда хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туриш ҳамда бундай операция ҳақида тўхтатиб турилган куннинг ўзида Департаментни хабардор этиш;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек, идентификациялаш маълумотларини ва мижозларни лозим даражада текширишга доир материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар мобайнида сақланишини таъминлаш;

нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари раҳбариятини тегишли қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ишончли ахборот ва материаллар билан тезкор ва мунтазам равишда таъминлаб бориш;

шубҳали операцияларнинг амалга оширилиши ёки амалга оширишга уринишлар, шубҳали операцияларни амалга оширган мижозлар билан боғлиқ шахслар (раҳбарлар, таъсисчилар) тўғрисидаги маълумотлар базасини

шакллантириш, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бундай ахборотни давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро айирбошлаш;

сўровномалар бўйича миждозлар базасидан террорчилик фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ бўлган шахсларни аниқлаш.

II. Ички назорат тизимини ташкил этиш

5. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш учун ички назоратни ташкил этиш мақсадида нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс тайинланади.

6. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларининг ички назорат тизими уларнинг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари, миждозлар ва уларнинг операциялари билан боғлиқ миждозлар базаси ва таваккалчилик даражасини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади.

7. Давлат нотариал идорасида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс ҳудудий адлия органининг буйруғи билан тайинланади.

Икки ва ундан ортиқ давлат нотариусидан ташкил топган давлат нотариал идорасида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс этиб ҳудудий адлия органининг буйруғида кўрсатилган мазкур нотариал идоранинг давлат нотариуси тайинланади.

Агар давлат нотариал идораси битта давлат нотариусидан иборат бўлса, ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгарлик мазкур нотариус зиммасига юклатилади.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларда ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгарлик мазкур нотариус зиммасига юклатилади.

8. Адвокатлик тузилмасида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс адвокатлик тузилмасининг адвокати адвокатлик тузилмаси раҳбарининг буйруғи билан тайинланади. Буйруқнинг нусхаси шахсий маълумотлар билан бирга буйруқ чиқарилган кундан бошлаб ўн кун мобайнида ҳудудий адлия органига юборилади.

Адвокат адвокатлик фаолиятини индивидуал тарзда амалга ошираётган ҳолларда (адвокатлик бюроси) ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгарлик мазкур адвокат зиммасига юклатилади.

9. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш мақсадида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар қуйидаги вазифаларни бажарадилар:

мазкур Қоидаларга мувофиқ ички назорат жараёнини ва миждозларни лозим даражада текширишни жорий этишни ва амалга оширишни ташкиллаштирадилар;

нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси фаолиятининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиб, ички назорат қоидаларини ва уни амалга оши-

риш бўйича чора-тадбирлар дастурларини ишлаб чиқадилар ва раҳбариятга тасдиқлаш учун киритадилар (тасдиқлайдилар);

мижозларнинг ички назоратни амалга ошириш давомида аниқланган шубҳали операциялари ва хатти-ҳаракатлари тўғрисидаги хабарларни Департаментга ўз вақтида юборилишини, шунингдек, Департаментнинг қўшимча ахборот такдим этиш тўғрисидаги сўровларининг бажарилишини таъминлайдилар;

ички назорат қоидалари ва дастурларини амалга ошириш жараёнининг махфийлигини таъминлайдилар.

10. Ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар қуйидагиларга ҳақли:

ўз ташкилотининг раҳбарлари ва ходимларидан ички назоратни амалга ошириш учун зарур бўлган фармойиш берувчи, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни талаб қилиб олиш;

ички назоратни амалга ошириш мақсадида олинган ҳужжатлардан нусха кўчириш, ташкилотнинг электрон маълумотлар базалари, маҳаллий ҳисоблаш тармоқлари ва автоматлаштирилган компьютер тизимларида сақланаётган файллар ва бошқа ёзувлардан нусхалар олиш;

хабар қилиниши лозим бўлган операцияларга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар бўйича раҳбариятга таклифлар киритиш (шу жумладан, мижоз ёки операция тўғрисида қўшимча ахборот олиш ёки мавжуд ахборотни текшириш мақсадида ўтказилаётган операцияни тўхтатиш бўйича).

Қонун ҳужжатларига мувофиқ ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

11. Ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар қуйидагиларга мажбурдирлар:

мижозларни лозим даражада текширишни амалга ошириш;

бенефициар мулкдорларни идентификациялаш чораларини кўриш;

шубҳали операциялар аниқланганда, белгиланган тартибда Департаментга ахборот бериш;

олинган ахборотларнинг махфийлигига риоя қилиш.

ички назоратни амалга ошириш давомида олинган ҳужжатларнинг сақланиши ва қайтарилишини таъминлаш;

Ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

12. Ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахслар бир йилда камида бир марта ҳудудий адлия органига ўз фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот тайёрлайдилар ва такдим этадилар.

13. Ҳудудий адлия органида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахсларнинг рўйхатини юритадиган, уларнинг ўқиши ва малака оширишини ташкил этадиган, шунингдек, улар томонидан такдим этилган ҳисоботларни умумлаштирадиган ва таҳлил этадиган ходим тайинланади.

14. Ҳудудий адлия органи ярим йилда бир марта ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-санасидан кечиктирмай Адлия вазирлигига нотариал идо-

ралар ва адвокатлик тузилмаларида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахсларнинг рўйхатини тақдим этади.

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ярим йилда бир марта ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмай Департаментга нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахсларнинг рўйхатини тақдим этади.

III. Мижозларни лозим даражада текшириш

16. Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмалари:

амалий иш муносабатлари ўрнатилганда;

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа мавжуд бўлганда;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслийлиги ва ишончлилигига шубҳалар мавжуд бўлганда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўрадилар.

17. Мижозларни лозим даражада текшириш операциялари амалга оширишнинг барча босқичларида олиб борилиши лозим.

Бенефициар мулкдорни белгилаш учун нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари мижоз бошқа шахснинг номидан иш кўраётганлигини аниқлашга ва ундан кейин мижоз кимнинг номидан иш кўраётган бўлса, уни идентификациялаш ҳамда шахсини лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўриши шарт.

Мижоз ёки бенефициар мулкдорни идентификациялаш билан бир қаторда улар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим этиладиган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда уларнинг операцияларни амалга оширишга бўлган ваколатлари текширилиши шарт.

18. Мижоз нотариал идора ёки адвокатлик тузилмасига операцияларни амалга ошириш тўғрисида топшириқ (ариза, илтимоснома) билан бир ёки бир неча марта мурожаат қилганда, нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси қўйидагиларга мажбурдирлар:

мазкур Қоидалар ва бошқа қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ операция бўйича мижоз ёки наф олувчини идентификациялаш;

ушбу мижознинг аввалги ҳисобот даври (ой, чорак, ярим йил, йил) мобайнида амалга оширган операцияларини, агар бундай операциялар тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлса, ўрганиб чиқиш;

операция турини ҳамда унинг мижоз — юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсад ва фаолият турига мувофиқлик даражасини аниқлаш;

операция турини ҳамда унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган мижоз — жисмоний шахснинг давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида белгиланган фаолият турига мувофиқлик даражасини аниқлаш.

19. Мижоз — жисмоний шахсни идентификациялаш унинг шахсини

тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки унга тенглаштирилган ҳужжат) асосида амалга оширилади. Агар жисмоний шахс якка тартибдаги тадбиркор бўлса, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ҳам ўрганилиши лозим.

20. Мижоз — юридик шахсни идентификациялашда нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани, ташкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган манзили, раҳбарлари тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек таъсис ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларни текширишлари лозим.

Мижоз — юридик шахсни янада батафсилроқ ўрганиш учун:

мижознинг таъсис ҳужжатлари (рўйхатдан ўтказилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан) ва мижознинг давлат рўйхатидан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг расмийлаштирилишига;

мижознинг бошқарув органларининг тузилиши ва уларнинг ваколатлариغا;

мижознинг рўйхатдан ўтказилган устав фондининг (капиталининг) миқдорига;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа керакли маълумотларга алоҳида эътибор берилиши лозим.

21. Нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси мижоз томонидан тақдим этилаётган ахборотни:

давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлардан мижоз ҳақида олинган маълумотлардан фойдаланиш;

мижознинг аввалги нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари билан ўзаро муносабатларини ўрганиш;

мижознинг ишчанлик обрўси тўғрисидаги ахборотни тўплаш орқали текширишга ҳақлидир.

22. Юридик ва жисмоний шахсларни идентификациялаш жараёнида нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси бенефициар мулкдорларни идентификациялаш бўйича, шу жумладан, мижоз мол-мулкининг тузилишини ўрганиш йўли билан, асосланган ва мумкин бўлган чора-тадбирларни қўллаши лозим.

23. Нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси мижозлар томонидан идентификациялаш учун зарур бўлган ҳужжатлар тақдим этилмаган тақдирда, уларга операцияларни амалга оширишда рад жавобини бериши шарт.

IV. Хабар қилиниши лозим бўлган операцияларни аниқлашнинг мезонлари ва тартиби

24. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операция қуйидаги ҳолларда шубҳали деб топилиши мумкин:

мижоз томонидан зарурат туфайли сўралаётган, шу жумладан, топшириқ берувчи (агар мижоз ишончли вакил сифатида иш юритаётган бўлса) ҳақидаги маълумотларни тақдим этишни сабабсиз рад этилиши;

мижознинг амалга ошириладиган битимга нисбатан махфийлик масалалари билан ортиқча ташвишлиниши;

мижознинг хизмат кўрсатишнинг (юридик ёрдам) фойдалироқ шартларига нисбатан эътиборсиз бўлиши, шунингдек мижоз томонидан айтилган турдаги хизматлар кўрсатишдаги оддий тўловдан фарқ қиладиган юқори мукофотнинг таклиф қилиниши;

мижознинг операциялари яққол иқтисодий моҳиятга эга бўлмаганлиги, мижознинг таъсис ҳужжатларида ёки давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасида назарда тутилган мақсад ва фаолияти турларига тўғри келмаслиги;

битимга мижоз фаолиятига мувофиқ келмайдиган қўшимчалар ва ўзгаришлар киритилиши;

операцияни амалга оширишда мижоз талаби билан қиладиган асосланмаган шошма-шошарлик;

мижоз томонидан аввал келишилган операцияга (битимга) бевосита уни амалга оширилишидан олдин кўпроқ, айниқса, пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк ҳаракати йўналишига тааллуқли ўзгартиришлар киритилиши;

мижоз ҳақидаги маълумотнинг мавжуд эмаслиги, шунингдек, кўрсатилган боғланиш маълумотлари, хусусан, почта ва электрон манзили, телефон рақамлари ва электрон канал маълумотлари бўйича мижоз билан алоқа ўрнатиш имкониятининг йўқлиги;

маълумотлар ва ҳужжатлар тақдим этилишини мижоз томонидан асосиз кечиктирилиши ёки мижоз томонидан текшириб бўлмайдиган маълумотни тақдим этилиши;

мижоз томонидан битим иштирокчилари ҳақида биладиган туриб ёлғон ахборот ва маълумотларнинг тақдим этилиши;

агар мижоз ёки операция иштирокчиларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликда иштирок этмайдиган давлатда доимий яшайдиган, турган ёки рўйхатдан ўтказилган бўлса;

амалга ошириш мақсади қонун ҳужжатлари билан ўрнатилган назорат жараёнларидан бош тортиш дейишга асос бўладиган операциялар ёки битишувларнинг кўп маротаба юритилганлигининг аниқланиши;

25. Операцияни шубҳали деб тан олиш ҳар бир аниқ ҳолатда ушбу Қоидалар билан ўрнатилган шубҳалилик мезонларидан фойдаланган ҳолда ўтказиладиган комплекс таҳлил асосида, шунингдек, мижоз шахси, унинг обрўси, ишга оид муносабатларнинг хусусияти, битимнинг асослари, мақсадлари, ҳажми ва тури, уни амалга ошириш усули билан ҳамда шубҳали операцияни тўғри аниқлаш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатлар асосида аниқланадиган таваккалчилик хавфига боғлиқ равишда амалга оширилади.

26. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳар қандай операция, шу операцияларнинг тарафларидан бири:

террорчилик фаолиятда иштирок этаётган ёхуд иштирок этишда гумон қилинадиган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчилик фаолиятни амалга оширадиган ёхуд амалга оширишда гу-

мон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори бўлган ёхуд уни назорат қилаётган юридик ёки жисмоний шахс;

террорчиликни амалга ошираётган ёки амалга оширишда гумон қилинаётган жисмоний шахснинг ёхуд ташкилотнинг мулкидаги ёки назорати остидаги юридик шахс эканлиги ҳақида белгиланган тартибда олинган ахборот мавжуд бўлса, Департаментга хабар қилиниши лозим.

Бундай ҳолларда нотариал идоралар ёки адвокатлик ташкилотлари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни бу операция бажарилиши лозим бўлган санадан эътиборан уч иш кунига тўхтатиб туришга ва ушбу операция ҳақида уни тўхтатиб қўйилган куннинг ўзида Департаментни хабардор қилишга мажбурдирлар. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияни тўхтатиш ҳақида Департаментнинг кўрсатмаси бўлмаганда, кўрсатилган муддат тугаши билан нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси тўхтатилган операцияни тиклашга киришади.

27. Мижознинг операцияси шубҳали деб топилгандан сўнг, ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс мижозга нисбатан келгусидаги хатти-ҳаракатлар ҳақида қарор қабул қилади, жумладан:

шубҳали операция тўғрисида Департаментга хабар бериш ҳақида;

мижоз билан операция ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида;

конун ҳужжатлари ёки у билан тузилган шартномага мувофиқ мижоз билан муносабатларни тўхтатиш ҳақида.

28. Шубҳали операциялар ҳақидаги маълумотлар нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари томонидан Департаментга шубҳали операциялар деб топилган пайтдан эътиборан бир иш кунидан кечиктирмай берилади.

Шубҳали операцияларга тааллуқли ҳар бир маълумот ҳақидаги ахборот нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмаларининг ички назорат қоидаларига риоя этилиши учун жавобгар шахс томонидан қоғоз ва/ёки электрон кўринишда юритиладиган махсус журналларга киритилади.

29. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари ҳам тегишли операциядан шубҳани тасдиқловчи ёки шубҳани олиб ташловчи ҳар қандай маълумотни Департаментга дарҳол хабар беришлари зарур.

V. Ички назоратни амалга ошириш натижасида олинган ахборот ва ҳужжатларни расмийлаштириш, топшириш, сақлаш, махфийлигини таъминлаш тартиби

30. Департаментга хабар қилиниши лозим бўлган операциялар бўйича қонун ҳужжатларига ва мазкур Қоидаларга мувофиқ қуйидагилар расмийлаштирилади:

операциянинг тури ва уни амалга ошириш асоси;

операцияни амалга ошириш санаси ва суммаси;

операцияни амалга оширувчи жисмоний ва юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

топширигига кўра ёки номидан операцияни бажараётган жисмоний ва юридик шахсни идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

операцияни амалга ошираётган жисмоний шахс (ишончли вакили) ёки юридик шахснинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар;

пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар бўйича олувчини ва унинг вакилини идентификациялаш учун зарур бўлган маълумотлар.

31. Департаментга ахборот тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ мазкур Қоидаларнинг иловасида келтирилган шакл бўйича амалга оширилади.

32. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар ҳақидаги маълумотни, шунингдек, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича идентификацияланган материаллар ва маълумотларни қонун ҳужжатларида ўрнатилган, лекин операциялар амалга оширилган ёки мижозлар билан муносабатлар тўхтатилгандан кейин беш йилдан кам бўлмаган муддатлар давомида сақлашлари зарур.

33. Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ бўлган ахборотга кириш имкониятини чеклайдилар, унинг тарқалиб кетмаслигини таъминлайдилар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг операциялари ҳақида Департаментга маълумот берилганлиги тўғрисида ахборот бериш ҳуқуқига эга эмаслар.

Нотариал идоралар ёки адвокатлик тузилмалари ходимларининг ички назорат бўйича вазифаларини бажариши жараёнида олган ахборотни ошкор этмаслигини (ёки шахсий мақсадларда, ё учинчи шахслар манфаатлари йўлида фойдаланмасликларини) таъминлайдилар.

VI. Яқуний қоидалар

34. Нотариал идоралари ва адвокатлик тузилмалари томонидан мазкур Қоидалар талабларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назорат қилиш Адлия вазирлиги томонидан Департамент билан биргаликда амалга оширилади.

35. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари бузилганлиги ҳолларини яширишда, шунингдек, мазкур Қоидалар талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

36. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

Адвокатлар палатаси раиси

Т. САЙИДОВ

2009 йил 12 октябрь

Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига
ИЛОВА

Шубҳали операция ҳақидаги хабарнинг ШАКЛИ

Хабар рақами (биринчи марта топширилганда ноллар билан тўлдирилади)

Хабар санаси (рақамлар билан тўлдирилади) кун ой йил Хужжат тури (1 — асосий, 2 — тузатиш, 3 — алмаштирилдиган)

Пул маблағлари ва бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи нотариал идора ёки адвокатлик тузилмаси ҳақида маълумот:

Нотариал идора ёки адвокатлик тузилмасининг хос рақами

Тўлиқ номи

СТИР

Нотариал идора ёки адвокатлик тузилмасининг почта манзили:

Почта индекси

Вилоят

Туман

Аҳоли пункти (шаҳар, қишлоқ, посёлка ва б.)

Кўча

Уй

Корпус, бино

Хонадон (идора)

Операция хусусияти

Операцияларнинг тури

Операцияни амалга ошириш санаси кун ой йил

Операция амалга оширилдиган валюта номи

Валютада ўтказилдиган операция суммаси

Операциянинг сўмдаги миқдори (минг сўм)

Операцияни амалга ошириш учун асос

Операция мазмуни, тўлов мақсади (мблағлар ва бошқа мол-мулк ҳаракати йўналишини кўрсатган ҳолда)

Қўшимча маълумот

Унинг топшириғига кўра ёки унинг номидан операция амалга оширилаётган ёки вакил (ишончли вакил, воситачи, ишончли бошқарувчи) сифатида ҳаракат қилаётган юридик шахс ҳақида маълумот:

Тўлиқ номи

СТИР

Давлат рўйхатидан ўтказиш санаси кун ой йил

Рўйхатдан ўтказувчи орган номи

Хизмат кўрсатувчи банкнинг МФО

Операция амалга оширилган банк ҳисоб рақами

Бошқа маълумотлар

Юридик шахснинг почта манзили:

Почта индекси

Вилоят

Туман

Аҳоли пункти (шаҳар, қишлоқ, посёлка ва б.)

Кўча

Уй

Корпус, бино

Хонадон (идора)

Унинг топшириғига кўра ёки унинг номидан операция амалга оширилаётган ёки вакил (ишончли вакил, воситачи, ишончли бошқарувчи) сифатида ҳаракат қилаётган жисмоний шахс ҳақида маълумот:

Фамилияси

Исми

Отасининг исми

Туғилган санаси кун ой йил

Туғилган жойи

Яшаш жойи

Иш жойи (ташкилот номи, лавозими)

Шахсини тасдиқловчи ҳужжат: — паспорт, — бошқа ҳужжат:

Паспорт серияси ва рақами, берилган санаси: № , кун ой йил

Паспорт берган орган

Бошқа маълумотлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

462 Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2021*

(2009 йил 29 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166-сон «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 30-31-сон, 343-модда) 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилди**:

1. Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 сентябрь,
92-сон

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 сентябрь,
26/I-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 18 сентябрь,
2009-28-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Марказий банк
Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 18 сентябрдаги 92, 26/1,
2009-28-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан кредит портфели
таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг
улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини
қўллаш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166-сон «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 йил, 30-31-сон, 343-модда) 3-бандига мувофиқ узоқ муддатли инвестициявий молиялашни амалга оширувчи тижорат банклари томонидан фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги ПҚ–1166-сон «Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тижорат банклари 2015 йилнинг 1 январига қадар кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилган ставкалар бўйича фойда солиғини тўлайдилар.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

узоқ муддатли инвестициявий молиялаш — уч йилдан кам бўлмаган муддатга бериладиган инвестициявий кредитлар ва лизинг хизматлари, шу жумладан банклар томонидан олинадиган ишлаб чиқариш корхоналари негизида ташкил этиладиган компаниялар активларига банклар томонидан йўналтириладиган маблағлар;

инвестициявий кредит (лизинг) — Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 1-сон, 10-модда) 3-модда-сида назарда тутилган мақсадлар учун берилган кредитлар (лизинг);

кредит портфели — барча кредитлар бўйича баланс ҳисобварақлари суммаси (брутто), банклар томонидан олинадиган ишлаб чиқариш корхоналари негизида ташкил этиладиган компаниялар активларига банклар томонидан йўналтириладиган барча маблағлар, шунингдек уч йилдан кам бўлмаган муддатга берилган лизинг хизматлари суммаси.

3. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёз 2009 йилнинг учинчи чорагидан бошлаб қўлланилади ва 2014 йил солиқ даври якуни билан тўхтатилади. Мазкур имтиёзни 2009 йилда қўллаш учун тижорат банклари юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботини 2009 йилнинг биринчи ярим йиллиги, учинчи чораги ва иккинчи ярим йиллиги учун алоҳида тақдим қиладилар.

II. Имтиёزلарни қўллаш тартиби

4. Мустақил солиқ тўловчи бўлган филиаллар узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушини мустақил равишда аниқлайдилар.

5. Ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёз тижорат банклари томонидан солиқ даври мобайнида ўсиб боровчи якун билан қўлланилади, 2009 йил солиқ даври бундан мустасно.

6. Фойда солиғи ставкаси кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб табақалаштирилади.

Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши:

35 фоиздан 40 фоизгача бўлганда — ставка белгиланган ставканинг 80 фоизини ташкил этади;

40 фоиздан 50 фоизгача бўлганда — ставка белгиланган ставканинг 75 фоизини ташкил этади;

50 фоиздан юқори бўлганда — ставка белгиланган ставканинг 70 фоизини ташкил этади.

7. Узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$\text{Уумим} = \text{Умим} / \text{КП} * 100, \text{ бунда:}$$

Уумим — узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши;

Умим — узоқ муддатли инвестициявий молиялаш;

КП — Кредит портфели.

Бунда, кредит ёки лизинг бўйича хизматларнинг берилган санасидан қатъи назар, узоқ муддатли инвестициявий молиялаш суммаси ва кредит

портфели суммаси ҳисобот даври ойининг охирги санасига қабул қилинади.

Олдиндан уч йилдан кам бўлмаган муддатга берилган инвестициявий кредит ёки лизинг бўйича хизматлар уч йиллик давр тугагунга қадар муддатидан илгари сўндирилган тақдирда, ушбу Низом мақсадлари учун мазкур кредит ёки лизинг бўйича хизматлар узоқ муддатли сифатида қаралади.

8. Ушбу Низомнинг 7-бандига асосан аниқланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг имтиёзли ставкаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 52 (I)-сон; 2008 й., 52-сон, 512-модда) 128-моддасига асосан ҳисоблаб чиқилган фойда солиғи бўйича солиқ солинадиган базага нисбатан қўлланади.

9. Имтиёزلарни қўллаш учун тижорат банклари давлат солиқ хизмати органларига Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича ҳисобкитобларни тақдим қилиш билан бир вақтда ушбу Низомнинг 1-иловасига асосан Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши ҳисоб-китоби — Маълумотномани тақдим қиладилар. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улуши ҳисоб-китоби — Маълумотнома ушбу Низомнинг 1-бандида кўрсатилган имтиёздан фойдаланмайдиган тижорат банклари томонидан тақдим этилмайди.

10. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг табақалаштирилган ставкаларини ҳисоблаб чиқишнинг шартли мисоли ушбу Низомнинг 2-иловасида келтирилган.

III. Яқуний қоида

11. Солиқ имтиёзларининг тўғри қўлланиши устидан назорат давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

СТИР

Хужжат тури / Ҳисобот даври Солиқ даври

Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

Юридик шахснинг _____
тўлиқ номи

**Кредит портфели таркибида узоқ муддатли
инвестициявий молиялаш улуши
ҲИСОБ-КИТОБИ — МАЪЛУМОТНОМА**

Кўрсаткич номи	Сатр коди	Сумма, минг сўм
I. Узоқ муддатли инвестициявий молиялаш, жами (020, 030 ва 040-сатрлар суммаси), шу жумладан:	010	
уч йилдан кам бўлмаган муддатга берилган инвестиция кредитлари (брутто*) (14700 — 15500, 15701 нинг тегишли ҳисобварақлари, бундан 14900 мустасно)	020	
уч йилдан кам бўлмаган муддатга кўрсатилган лизинг хизматлари (брутто*) (15600, 15705 нинг тегишли ҳисобварақлари)	030	
банклар томонидан олинган ишлаб чиқариш корхоналари негизда ташкил этиладиган компаниялар активларига йўналтирилган маблағлар	040	
II. Кредит портфели, жами (060, 070 ва 080-сатрлар суммаси), шу жумладан:	050	
берилган кредитлар суммаси (брутто*) (11900 — 15500, 15700 ҳисобварақлар)	060	
лизинг хизматлари (брутто*) (15600 нинг тегишли ҳисобварақлари)	070	
банклар томонидан олинган ишлаб чиқариш корхоналари негизда ташкил этиладиган компаниялар активларига йўналтирилган маблағлар	080	
III. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши (% да) ((010-сатр / 050-сатр) x 100%)	090	
IV. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси, %	100	
V. Тузатилган солиқ ставкаси, %	110	

* Брутто — ишончсиз қарзлар бўйича яратилган захираларни ҳисобга олмаган ҳолдаги кредит ёки лизинг суммаси

Ушбу ҳисоб-китоб — Маълумотномада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилигини тасдиқлайман:	Давлат солиқ хизмати органи ходими томонидан тўлдирилади
Раҳбар	Ушбу ҳисоб-китоб — Маълумотнома (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)
СТИР	<input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишда
Ф. И. Ш.	<input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон орқали
Имзо	<input type="checkbox"/> почта орқали
Бош бухгалтер	<input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди
СТИР	Тақдим этилган сана <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>
Ф. И. Ш.	(кун/ой/йил)
Имзо	Ф. И. Ш. _____
Сана	Имзо _____
<input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/>	
(кун/ой/йил)	

М.Ў.

Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

СТИР Ҳужжат тури / Ҳисобот даври Солиқ даври

Ҳужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

Юридик шахснинг _____
тўлиқ номи

**Кредит портфели таркибида узоқ муддатли
инвестициявий молиялаш улуши ҳисоб-китоби —
Маълумотномани тўлдиришга
ШАРТЛИ МИСОЛ**

Кўрсаткич номи	Сатр коди	Сумма, минг сўм
I. Узоқ муддатли инвестициявий молиялаш, жами (020, 030 ва 040-сатрлар суммаси), шу жумладан:	010	29 000
уч йилдан кам бўлмаган муддатга берилган инвестиция кредитлари (брутто*) (14700 — 15500, 15701 нинг тегишли ҳисобварақлари, бундан 14900 мустасно)	020	6 000
уч йилдан кам бўлмаган муддатга кўрсатилган лизинг хизматлари (брутто*) (15600, 15705 нинг тегишли ҳисобварақлари)	030	8 000

Кўрсаткич номи	Сатр коди	Сумма, минг сўм
банклар томонидан олинган ишлаб чиқариш корхоналари негизида ташкил этиладиган компаниялар активларига йўналтирилган маблағлар	040	15 000
II. Кредит портфели, жами (060, 070 ва 080-сатрлар суммаси), шу жумладан:	050	81 000
берилган кредитлар суммаси (брутто*) (11900 — 15500, 15700 ҳисобварақлар)	060	55 000
лизинг хизматлари (брутто*) (15600 нинг тегишли ҳисобварақлари)	070	11 000
банклар томонидан олинган ишлаб чиқариш корхоналари негизида ташкил этиладиган компаниялар активларига йўналтирилган маблағлар	080	15 000
III. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши (% да) ((010-сатр / 050-сатр) x 100%)	090	35,8
IV. Юридик шахслардан олинган фойда солиғининг белгиланган ставкаси, %	100	15
V. Тузатилган солиқ ставкаси, %	110	12

1. Кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши:

35 дан 40 фоизгача бўлганда, — ставка белгиланган ставканинг 80 фоизини ташкил этади;

40 дан 50 фоизгача бўлганда, — ставка белгиланган ставканинг 75 фоизини ташкил этади;

50 фоиздан юқори бўлганда, — ставка белгиланган ставканинг 70 фоизини ташкил этади.

2. Юридик шахслардан олинган фойда солиғининг амалдаги ставкасида — 15 фоиз ва кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялаш улуши шароитида тузатилган солиқ ставкаси 12 фоизни (15 x 80%) ташкил этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТДА, КОНЧИЛИКДА ВА
КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА ИШЛАРНИНГ БЕХАТАР ОЛИБ
БОРИЛИШINI НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
БОШЛИҒИНИНГ
БУЙРУҒИ

463 Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022*

(2009 йил 30 октябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорининг (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 50-сон, 496-модда) 3-банди ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Бошлиқ

И. ХОЛМАТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 24 август,
167-сон

Ўзбекистон Республикаси
Саноатда, кончиликда ва коммунал-
маиший секторда ишларнинг бехатар олиб
борилишини назорат қилиш давлат инспек-
цияси бошлиғининг 2009 йил 24 августдаги
167-сонли буйруғига
ИЛОВА

**Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини
аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан
инспекция назоратини ўтказиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 10 декабрдаги 271-сонли «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар ҳақида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 50-сон, 496-модда) мувофиқ саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини (кейинги ўринларда эксперт ташкилотлари деб юритилади) аккредитация қилиш, улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш тартибини ҳамда эксперт ташкилотлари фаолиятига қўйиладиган талабларни белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
аккредитация — саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга ошириш бўйича эксперт ташкилоти омилкорлигини расман исботлаш учун хизмат қиладиган, ваколатли орган томонидан буюртмачини эксперт ташкилотлари фаолиятига қўйиладиган талабларга мувофиқлигини баҳолаш ва тасдиқлаш жараёни;

аккредитация аттестати — аккредитация қилинган эксперт ташкилотларининг саноат хавфсизлиги экспертизаси бўйича фаолиятни амалга ошириш ваколатини тасдиқлайдиган расмий ҳужжат;

Аккредитация қилиш ва инспекция назоратини амалга ошириш бўйича комиссия (кейинги ўринларда Аккредитация комиссияси деб юритилади) — эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини амалга ошириш натижалари бўйича қарор қабул қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси деб юритилади) томонидан ташкил этиладиган комиссия;

аккредитация соҳаси — эксперт ташкилотининг фаолият соҳаси;

баҳолаш — муайян аккредитация соҳаси бўйича эксперт ташкилоти фаолиятини эксперт ташкилотлари фаолиятига қўйиладиган талабларга му-

вофиқлигини текшириш мақсадида ваколатли орган томонидан ташкил этиладиган жараён;

бююртмачи — аккредитациядан ўтиш учун ёки саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга оширишга ариза билан мурожаат қилган ташкилот;

инспекция назорати — аккредитация қилинган эксперт ташкилоти фаолиятини эксперт ташкилотлари фаолиятига қўйиладиган талабларга мувофиқлигини қайта баҳолаш жараёни;

саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт (кейинги ўринларда эксперт деб юритилади) — саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга оширадиган, белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилган мутахассис;

саноат хавфсизлиги экспертизаси (кейинги ўринларда экспертиза деб юритилади) — экспертиза объектининг унга қўйиладиган саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш;

сифат бўйича қўлланма — эксперт ташкилотининг сифатни бошқариш тизимини таърифловчи ва сифат соҳасидаги сиёсатини баён қилувчи ҳужжат;

сифатни бошқариш тизими — сифат стандартларига мувофиқ, сифат бўйича маъмурий бошқариш учун зарур бўлган ташкилий тузилма, ҳужжатлар, жараёнлар ва захиралар мажмуи;

эксперт ташкилоти — экспертизани амалга оширадиган, мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда аккредитация қилинган ташкилот;

эксперт ташкилотлари фаолиятига қўйиладиган талаблар (кейинги ўринларда аккредитация мезонлари деб юритилади) — аккредитация қилинган эксперт ташкилоти ваколатига эга бўлиши учун бажарилиши керак бўлган талаблар;

эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш бўйича ваколатли орган (кейинги ўринларда ваколатли орган деб юритилади) — «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг аккредитация ва инспекцион назорат бўлими;

экспертиза объектлари — хавfli ишлаб чиқариш объектидаги лойиҳа ҳужжатлари, техника қурилмалари, бинолар ва иншоотлар, саноат хавфсизлиги декларацияси ва хавfli ишлаб чиқариш объектдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатлар;

экспертиза хулосаси — экспертиза объектининг саноат хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги (мувофиқ эмаслиги) тўғрисида асосли хулосаларни ёки хавfli ишлаб чиқариш объектларининг идентификациялаш натижаларини ўз ичига олган ҳужжат.

2. Экспертиза аккредитация қилинган эксперт ташкилоти томонидан аккредитация соҳасига мувофиқ аккредитация аттестати асосида амалга оширилади. Аккредитация аттестатига эга бўлмаган ташкилот экспертизани амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлмайди.

3. Эксперт ташкилотини аккредитация қилиш ва улар фаолияти ус-тидан инспекция назоратини ўтказиш ваколатли орган томонидан мазкур Қоидалар, қонун ҳужжатлари ва норматив техник ҳужжатлар талабларига мувофиқ ўтказилади.

II. Эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш

4. Аккредитация қилиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

а) буюртмачидан аккредитация қилиш учун аризани қабул қилиш, тақдим этилган ҳужжатларни дастлабки баҳолаш ва аризани ижро этиш ҳақида қарор қабул қилиш;

б) тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижалари асосида хулоса расмийлаштириш;

в) буюртмачини жойига бориб баҳолаш ва баҳолаш натижалари бўйича далолатномани расмийлаштириш;

г) бажарилган ишлар натижалари асосида қарор қабул қилиш;

д) аккредитация аттестатини расмийлаштириш, рўйхатга олиш ва буюртмачига топшириш.

Аккредитация қилишнинг кейинги ҳар бир босқичи аввалги босқичларда ижобий натижаларга эришилган тақдирда амалга оширилади.

5. Аккредитациядан ўтиш учун буюртмачи мазкур Қоидаларнинг 1-иловасида келтирилган шаклда расмийлаштирилган аризани ваколатли органга топширади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) буюртмачининг нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари нусхалари;

б) буюртмачи фаолият олиб бормоқчи бўлган аккредитация соҳаси (аккредитация соҳалари рўйхати ваколатли орган томонидан белгиланади);

в) эксперт ташкилоти низоми;

г) буюртмачининг аккредитация мезонларига мувофиқлигини тавсифловчи декларация (аккредитация мезонлари мазкур Қоидаларнинг 2-иловасида келтирилган);

д) буюртмачи томонидан аккредитация қилиш учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

е) аккредитация соҳасидаги ишларни бажарадиган ходимлар тўғрисидаги маълумотлар;

ж) аккредитация соҳасидаги ишларни бажариш учун мавжуд шароитлар, жихозлар, дастурлар ва асбоб-ускуналар ҳақидаги маълумотлар;

з) мавжуд бино ва иншоотлар, жихозлар, асбоб-ускуналар буюртмачига мулк ҳуқуқи ёки бошқа қонуний асосда тааллуқлилигини тасдиқловчи ҳужжатларнинг нусхалари;

и) буюртмачининг сифат бўйича ва фаолияти бўйича қўлланмаси;

к) буюртмачининг сифатни бошқариш тизими ҳужжатлари.

6. Нотўғри тўлдирилган ёки нотўғри расмийлаштирилган ариза кўриб чиқишга қабул қилинмайди.

Аризада ва ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун буюртмачи жавобгар бўлади.

7. Аккредитация натижаларидан қатъи назар, аккредитация қилиш учун тўлов белгиланган тартибда буюртмачи томонидан амалга оширилади.

8. Ваколатли орган топширилган аризаларни тикилган, бетлар сони кўрсатилган, ваколатли орган мухри билан мухрланган дафтар (журнал)ларда рўйхатга олади.

9. Ваколатли орган ариза топширилган кундан бошлаб ўн иш куни муддатида тақдим этилган ҳужжатларнинг дастлабки баҳолашни амалга оширади ҳамда дастлабки баҳолаш натижалари ижобий бўлганда, ваколатли орган аризани ижро этиш ҳақида қарор қабул қилади.

10. Дастлабки баҳолашда тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ҳамда бу ҳужжатларда келтирилган маълумотларнинг етарлилиги ўрғанилади.

11. Тақдим этилган ҳужжатларни дастлабки баҳолаш натижалари салбий бўлганда, ваколатли орган асосланган сабабларни кўрсатган ҳолда буюртмачига ёзма равишда унинг аризаси рад этилганлиги ҳақида маълум қилади.

12. Буюртмачи ваколатли орган кўрсатган камчиликларни бартараф этиб, ариза ва ҳужжатларни қайта топшириши мумкин.

13. Аризани ижро этиш ҳақида қарор қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида ваколатли орган тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили ўтказилишини таъминлайди.

14. Тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ходимлари ва (ёки) ваколатли орган топшириғига биноан экспертлар томонидан, тақдим этилган ҳужжатларда келтирилган маълумотлар асосида буюртмачининг аккредитация мезонларига қай даражада мувофиқлигини баҳолаш мақсадида амалга оширилади. Таҳлил натижалари хулоса тарзида расмийлаштирилади.

15. Тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили натижаси салбий бўлганда, хулоса расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни муддатида ваколатли орган аккредитация мезонларига номувофиқлик сабабларини кўрсатган ҳолда буюртмачига ёзма равишда аккредитация қилиш бўйича рад жавоби берилганлиги ҳақида маълум қилади.

16. Буюртмачи камчиликларни бартараф этиб, олти ойгача бўлган муддатда ҳужжатларни қайта таҳлил қилиш учун тақдим этиши мумкин.

17. Буюртмачи томонидан аккредитация қилиш бўйича рад жавоб берилишига сабаб бўлган камчиликлар бартараф қилинган тақдирда, ҳужжатларнинг қайта таҳлили ўн иш куни ичида амалга оширилади.

18. Тақдим этилган ҳужжатларнинг таҳлили натижалари ижобий бўлган тақдирда жойига бориб баҳолаш комиссияси (кейинги ўринларда баҳолаш комиссияси деб юритилади) таркиби ва жойига бориб баҳолашни ўтказиш муддатлари аниқланиб, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси буйруғи билан тасдиқланади. Баҳолаш комиссияси таркиби аъзолари сони етти кишидан, жойига бориб баҳолаш давомийлиги эса бир ойдан ошмаслиги керак.

19. Жойига бориб баҳолашнинг бевосита ўтказилиши, баҳолаш комиссияси аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ва баҳолаш натижаларининг расмийлаштирилиши учун жавобгарлик баҳолаш комиссияси раи-

си зиммасига юкланади. Баҳолаш комиссияси раислигига ваколатли орган мутахассисларидан бири тайинланади.

20. Баҳолаш комиссияси таркибига бошқа манфаатдор идора (ташкилот)-ларнинг мутахассислари киритилиши мумкин. Баҳолаш комиссияси аъзолари буюртмачига алоқадор бўлмасликлари ҳамда улар баҳолаш комиссияси раиси раҳбарлигида иш олиб боришлари керак.

21. Баҳолашда иштирок этувчи мутахассислар олинган маълумотлар ва натижаларни сир сақлашлари ҳамда буюртмачи ҳақидаги маълумотларни уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этмасликлари лозим (қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно). Баҳолаш жараёнида иштирок этадиган ҳар бир мутахассис мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига келтирилган шаклда расмийлаштириладиган мажбурият varaқасини имзолайди.

22. Жойига бориб баҳолаш баҳолаш комиссияси раиси томонидан ишлаб чиқилган ва ваколатли орган раҳбари томонидан тасдиқланган жойига бориб баҳолаш дастурига мувофиқ олиб борилади.

Жойига бориб баҳолаш дастурида буюртмачининг номи, бажариладиган тадбирлар ва уларни бажаришга масъул бўлган баҳолаш комиссияси аъзолари кўрсатилади.

23. «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясининг буйруғи ва жойига бориб баҳолаш дастури баҳолаш бошланишидан камида уч иш куни олдин буюртмачига юборилади ва баҳолаш комиссияси аъзоларига таништирилади.

24. Баҳолаш комиссияси ўз ишини буюртмачи вакиллари иштирокида дастлабки мажлис ўтказишдан бошлайди. Мажлисида баҳолаш комиссияси раиси буюртмачи вакиллари билан жойига бориб баҳолаш дастури асосида баҳолашни олиб бориш тартиби ҳақида келишиб олади.

25. Буюртмачи баҳолаш комиссияси аъзоларига ўз фаолияти билан боғлиқ маълумотлардан тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини таъминлаши керак.

26. Баҳолаш комиссияси аъзолари жойига бориб баҳолашнинг дастурига мувофиқ буюртмачи фаолиятининг асосий турлари амалга ошириладиган барча бўлинмаларининг аккредитация мезонларига мувофиқлигини, буюртмачининг амалдаги ҳолатини тақдим этилган ҳужжатлар билан мувофиқлигини, унинг кўрсатилган вазифаларни бажариш имконига эга эканлигини баҳолайди.

Агар буюртмачи бошқа ҳудудда ҳам бўлинмаларга эга бўлса, бу бўлинмалар ҳам жойига бориб баҳоланиши керак.

27. Жойига бориб баҳолаш жараёнида номувофиқликлар аниқланган тақдирда мазкур Қоидаларнинг 4-иловасида келтирилган шаклда номувофиқлик баённомаси расмийлаштирилади.

28. Жойига бориб баҳолаш натижалари бўйича мазкур Қоидаларнинг 5-иловасида келтирилган шаклда далолатнома расмийлаштирилади. Расмийлаштирилган номувофиқлик баённомалари далолатномага илова қилинади.

29. Далолатнома баҳолаш комиссияси аъзолари ва буюртмачининг масъул раҳбари томонидан имзоланади. Агар баҳолаш комиссияси аъзолари ёки

буюртмачи вакиллари алоҳида фикрларга эга бўлса, улар далолатномага илова қилиниши керак.

Буюртмачининг масъул раҳбари далолатномага имзо чекишдан бош тортса, баҳолаш комиссияси раиси бу ҳақида далолатномага тегишли ёзув киритади.

30. Далолатнома икки нусхада тузилади: бир нусхаси ваколатли органга тақдим этиш учун комиссия раисида қолади, иккинчи нусхаси буюртмачига берилади.

31. Ваколатли орган тақдим этилган ҳужжатлар таҳлили натижаларини, жойига бориб баҳолаш натижаларини ва билдирилган алоҳида фикрларни (мавжуд бўлганда) таҳлил қилади ҳамда Аккредитация комиссияси қарори лойиҳасини тайёрлайди.

32. Аккредитация комиссияси жойига бориб баҳолаш бўйича далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб ўн беш иш кунни муддатида аккредитация қилиш юзасидан бажарилган ишлар натижаларини кўриб чиқади ва аккредитация қилиш ёки аккредитация қилиш жараёнида аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш ҳақида қарор қабул қилади.

33. Аккредитация комиссияси қарори комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар сони тенг бўлганда Аккредитация комиссияси раисининг овози ҳал қилувчи бўлади. Аккредитация комиссияси қарори «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бланкида расмийлаштирилади ҳамда комиссия раиси ва котиби томонидан имзоланади.

Аккредитация комиссияси низоми, таркиби ва ишлаш тартиби «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси томонидан белгиланади.

34. Аккредитация қилиш жараёнида аниқланган номувофиқликларни бартараф этиш ҳақида қарор қабул қилинган ҳолатда ваколатли орган қарор қабул қилинган кундан бошлаб уч иш кунни муддатида буюртмачини Аккредитация комиссияси қарори билан таништиради.

35. Буюртмачи аниқланган номувофиқликларни бартараф этиб, Аккредитация комиссияси қарори қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддатда номувофиқликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ваколатли органга тақдим этиши мумкин.

36. Қайта баҳолаш ўтказилганда баҳолаш комиссияси аъзолари номувофиқликларни бартараф этиш ва кўрсатилган тавсияларни бажариш бўйича ўтказилган тадбирларнинг етарлилигини баҳолайди ҳамда баҳолаш натижалари бўйича хулосани расмийлаштиради. Зарурат бўлганда ваколатли органнинг кўрсатмасига асосан такрорий жойига бориб баҳолаш ўтказилиши мумкин.

37. Номувофиқликлар белгиланган муддатларда бартараф этилмаса ёки қайта баҳолаш ўтказилганда номувофиқликлар аниқланса, Аккредитация комиссияси аккредитация қилиш юзасидан рад жавоб бериш ҳақида қарор қабул қилади.

38. Аккредитация комиссияси аккредитация қилиш юзасидан рад жа-

воб бериш ҳақида қарор қабул қилган тақдирда, буюртмачи қарор қабул қилингандан кейин олти ой муддат ўтгач такроран ариза бериши мумкин.

39. Аккредитация комиссияси аккредитация қилиш ҳақида қарор қабул қилганда ваколатли орган қарор қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни муддатида буюртмачига мазкур Қоидаларнинг 6-иловасида келтирилган шаклда расмийлаштирилган аккредитация аттестатини топширади. Аккредитация аттестати қатъий ҳисобда турадиган махсус бланкаларда расмийлаштирилади ҳамда аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари реестри (аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари ҳақидаги зарур маълумотлар базаси)да рўйхатга олинади.

40. Аккредитация аттестати беш йил муддатга берилади.

41. Аккредитация аттестатига мазкур Қоидаларнинг 7-иловасида келтирилган шаклда расмийлаштириладиган аккредитация соҳаси илова қилинади. Аккредитация соҳаси қатъий ҳисобда турадиган махсус бланкаларда расмийлаштирилади.

42. Буюртмачига аккредитация аттестатининг ва аккредитация соҳасининг асл нусхалари берилади, ваколатли органда эса мазкур ҳужжатларнинг нусхалари сақланади.

III. Аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш

43. Инспекция назорати хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Қоидаларда белгиланган тартибда ўтказилади.

44. Инспекция назорати қўйидаги мақсадларда ўтказилади:

а) аккредитация қилинган эксперт ташкилоти фаолиятининг аккредитация мезонларига мувофиқлигини баҳолаш;

б) аккредитация қилинган эксперт ташкилотининг фаолияти жараёнида юзага келадиган, эксперт ташкилотининг амалдаги ҳужжатларига киритилишини талаб қилувчи ўзгаришларни аниқлаш, бу ўзгаришларнинг эксперт ташкилоти фаолиятига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш;

в) аккредитация соҳасида кўрсатилган ишларнинг бажарилишини назорат қилиш.

45. Инспекция назорати икки хил кўринишда ўтказилади:

а) режали инспекция назорати;

б) режадан ташқари инспекция назорати.

46. Режали инспекция назорати ваколатли орган томонидан тасдиқланган «Аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш режа-жадвали» асосида йилига бир маротаба ўтказилади.

47. Эксперт ташкилоти фаолиятининг ўз аккредитация соҳасида кўрсатилган ишларни бажариш бўйича белгиланган талабларга ва аккредитация мезонларига номувофиқлиги ҳақидаги асосланган маълумотларнинг ҳужжат

билан тасдиқланган фактлари келиб тушган ҳолатларда режадан ташқари инспекция назорати ўтказилади.

48. Инспекция назорати натижаларидан қатъи назар, режали инспекция назоратини ўтказиш учун тўлов белгиланган тартибда эксперт ташкилоти томонидан амалга оширилади.

49. Инспекция назоратини ўтказиш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

а) эксперт ташкилотини жойига бориб баҳолаш ва баҳолаш натижалари бўйича далолатномани расмийлаштириш;

б) жойига бориб баҳолаш натижалари асосида қарор қабул қилиш.

50. Инспекция назоратини ўтказиш учун эксперт ташкилотини жойига бориб баҳолаш ва баҳолаш натижалари бўйича далолатномани расмийлаштириш мазкур Қоидаларнинг 18 — 30-бандлари талабларига мувофиқ ўтказилади.

51. Ваколатли орган жойига бориб баҳолаш натижалари ва билдирилган алоҳида фикрларни (мавжуд бўлганда) таҳлил қилади ҳамда Аккредитация комиссияси қарори лойиҳасини тайёрлайди.

52. Аккредитация комиссияси жойига бориб баҳолаш бўйича далолатнома расмийлаштирилган кундан бошлаб беш иш куни муддатида натижаларни қўриб чиқади ва қуйидаги қарорларни қабул қилиши мумкин:

а) аккредитация аттестатини тасдиқлаш ҳақида;

б) аккредитация соҳасини қисқартириш ҳақида;

в) аккредитация аттестатининг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳақида;

г) аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки аккредитация аттестатини бекор қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳақида.

53. Ваколатли орган Аккредитация комиссияси қарори қабул қилинган кундан бошлаб уч иш куни муддатида эксперт ташкилотини қарор билан таништиради.

54. Инспекция назоратини ўтказиш натижалари ижобий бўлган тақдирда, Аккредитация комиссиясининг аккредитация аттестатини тасдиқлаш ҳақидаги қарори қабул қилинади.

55. Инспекция назоратини ўтказиш натижасида эксперт ташкилоти муайян аккредитация соҳасида аккредитация мезонларини мунтазам равишда бузганлиги факти аниқланганда, Аккредитация комиссиясининг аккредитация соҳасини қисқартириш ҳақидаги қарори қабул қилинади.

56. Инспекция назоратини ўтказиш натижасида эксперт ташкилоти фаолиятида фавқулодда вазиятлар ҳамда аҳолининг ҳаёти ва саломатлиги учун бошқа реал хавф келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин бўлган номувофиқликлар аниқланганда, Аккредитация комиссиясининг аккредитация аттестатининг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб қўйиш ҳақидаги қарори қабул қилинади.

Эксперт ташкилоти аниқланган номувофиқликларни бартараф этади

ҳамда номувофиқликларни бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни ваколатли органга тақдим этади.

Қайта баҳолаш ўтказилганда баҳолаш комиссияси аъзолари номувофиқликларни бартараф этиш ва кўрсатилган тавсияларни бажариш бўйича ўтказилган тадбирларнинг етарлилигини баҳолайди ҳамда баҳолаш натижалари бўйича хулосани расмийлаштиради. Зарурат бўлганда ваколатли органининг кўрсатмасига асосан такрорий жойига бориб баҳолаш ўтказилиши мумкин.

Номувофиқликлар белгиланган муддатда бартараф этилмаса ёки қайта баҳолаш ўтказилганда номувофиқликлар аниқланса, Аккредитация комиссияси аккредитация аттестатининг амал қилишини ўн иш кунидан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш учун судга мурожаат қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

57. Эксперт ташкилоти ўзининг аккредитация соҳасида кўрсатилмаган саноат тармоқлари ва экспертиза объектларида фаолият олиб бориш ҳоллари аниқланганда, Аккредитация комиссиясининг аккредитация аттестатининг амал қилишини тугатиш учун судга мурожаат қилиш ҳақидаги қарори қабул қилинади.

58. Эксперт ташкилоти аккредитация аттестатини сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда, Аккредитация комиссиясининг аккредитация аттестатини бекор қилиш учун судга мурожаат қилиш ҳақидаги қарори қабул қилинади.

IV. Эксперт ташкилотларини қайта аккредитация қилиш

59. Аккредитация қилинган эксперт ташкилоти аккредитация аттестатининг амал қилиш муддати тугашидан уч ой олдин қайта аккредитациядан ўтиш учун ваколатли органга ариза топшириши мумкин.

60. Аккредитация аттестатининг амал қилиши тугатилганда ёки аккредитация аттестати бекор қилинганда эксперт ташкилоти қайта аккредитациядан ўтиш учун ваколатли органга ариза топшириши мумкин.

61. Эксперт ташкилотларини қайта аккредитация қилиш мазкур Қоидаларнинг II-боби талабларига мувофиқ амалга оширилади.

V. Аккредитация аттестатига ўзгартиришлар киритиш, қайта расмийлаштириш ва аккредитация аттестатининг дубликатини бериш

62. Эксперт ташкилотининг аккредитация аттестатига аккредитация соҳаси кенгайтирилганда ёки қисқартирилганда ўзгартиришлар киритилади.

Эксперт ташкилотининг аккредитация соҳасини кенгайтириш ва қисқартириш мазкур Қоидаларнинг VI ва VII-боблари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

63. Аккредитация аттестати қуйидаги ҳолларда қайта расмийлаштирилади:

а) аккредитация аттестатини расмийлаштиришда йўл қўйилган хатоликлар аниқланганда;

б) аккредитация аттестатида кўрсатилган эксперт ташкилоти ҳақидаги маълумотлар (ташкилий-ҳуқуқий шакли, номланиши, юридик манзили ва ҳ. к.) ўзгарганда.

Юқорида кўрсатилган ҳолатларда эксперт ташкилоти ваколатли органга тегишли хат топширади. Хатга асословчи ҳужжатлар илова қилинади. Ваколатли орган тегишли маълумотларни ўрганиб чиқади ва хат келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни муддатида янги аккредитация аттестатини расмийлаштиради.

64. Аккредитация аттестати яроқсиз ҳолга келганда ёки йўқолганда унинг дубликати бериледи.

Аккредитация аттестати йўқолганда эксперт ташкилоти ваколатли органга тегишли хат топширади. Хатга оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган, йўқолган аккредитация аттестатининг ҳақиқий эмаслиги тўғрисидаги хабар илова қилинади. Ваколатли орган тегишли маълумотларни ўрганиб чиқади ва хат келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни муддатида янги аккредитация аттестатини расмийлаштиради.

65. Янги аккредитация аттестати расмийлаштирилганга қадар эксперт ташкилоти илгари берилган аккредитация аттестати асосида фаолият юритади.

66. Эксперт ташкилоти янги аккредитация аттестати (ёки аккредитация соҳаси)ни олганда ёки йўқолган аккредитация аттестати топилганда, илгари берилган аккредитация аттестати (ёки аккредитация соҳаси)ни ваколатли органга қайтариши шарт.

VI. Аккредитация соҳасини кенгайтириш

67. Эксперт ташкилотининг аккредитация соҳасини кенгайтириш мазкур Қоидаларнинг II-боби талабларига мувофиқ ваколатли органга тақдим этилган ариза асосида амалга оширилади.

68. Эксперт ташкилоти аризага фақат аккредитация соҳасининг кенгайтириши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилган ҳужжатларни илова қилади.

69. Аккредитация соҳасини кенгайтириш мақсадида эксперт ташкилотини баҳолаш инспекция назоратини ўтказиш билан биргаликда амалга оширилиши мумкин.

70. Эксперт ташкилотининг аккредитация соҳасини кенгайтириш Аккредитация комиссиясининг аккредитация соҳасини кенгайтириш ҳақидаги қарори асосида янги аккредитация соҳасини расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

71. Янги аккредитация соҳасининг амал қилиш муддати аккредитация аттестатининг амал қилиш муддати доирасида белгиланади.

VII. Аккредитация соҳасини қисқартириш

72. Эксперт ташкилотининг аккредитация соҳасини қисқартириш қўйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) эксперт ташкилотининг ўз аккредитация соҳасини қисқартириш тўғрисидаги хати асосида Аккредитация комиссиясининг аккредитация соҳасини қисқартириш ҳақидаги қарори қабул қилинганда;

б) инспекция назоратини ўтказиш натижасида Аккредитация комиссиясининг аккредитация соҳасини қисқартириш ҳақидаги қарори қабул қилинганда.

73. Эксперт ташкилотининг аккредитация соҳасини қисқартириш янги аккредитация соҳасини расмийлаштириш орқали амалга оширилади.

VIII. Аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб қўйиш, тугатиш ёки аккредитация аттестатини бекор қилиш

74. Аккредитация аттестатининг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тўхтатиб турилиши мумкин:

а) эксперт ташкилоти аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида хат билан мурожаат қилганда;

б) эксперт ташкилоти аккредитация мезонларига риоя қилмаганда;

в) эксперт ташкилоти номувофиқлик баённомасида кўрсатилган номувофиқликларни бартараф этмаганда.

Мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган ҳолда Аккредитация комиссияси қарори асосида Аккредитация аттестатининг амал қилиши бир йилгача бўлган муддатга тўхтатиб турилиши мумкин.

Мазкур банднинг «б» ва «в» кичик бандларида кўрсатилган ҳолларда Аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш суднинг қарори асосида амалга оширилади (мазкур Қоидаларнинг 56-бандида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно).

75. Амал қилиши тўхтатилган аккредитация аттестатининг амал қилиши Аккредитация комиссиясининг тўхтатилган аккредитация аттестатининг кучга кириши ҳақидаги қарори асосида аккредитация аттестатининг аслини эксперт ташкилотига қайтариш орқали қайта тикланади.

76. Аккредитация аттестатининг амал қилиши қўйидаги ҳолларда тугатилади:

а) эксперт ташкилоти аккредитация аттестатининг амал қилишини тугатиш тўғрисида хат билан мурожаат қилганда;

б) юридик шахс тугатилганда — тугатилган пайтдан эътиборан ёки унинг фаолияти қайта ташкил этиш натижасида тугатилганда — қайта ташкил этилган пайтдан эътиборан, унинг ўзгартирилиши бундан мустасно;

в) эксперт ташкилоти ўзининг аккредитация соҳасига риоя қилмаганда;

г) эксперт ташкилоти аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхта-

тиб туришига олиб келган ҳолатларни Аккредитация комиссияси белгиланган муддатда бартараф этмаганда;

д) аккредитация аттестатининг амал қилиш муддати тугаганда.

Аккредитация аттестатининг амал қилишини тугатиш ушбу банднинг «в» ва «г» кичик бандларида назарда тутилган ҳолларда суд қарорига, бошқа ҳолларда эса, Аккредитация комиссиясининг қарорига асосан амалга оширилади.

77. Аккредитация аттестати қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

а) эксперт ташкилоти аккредитация аттестатини бекор қилиш тўғрисида хат билан муружаат қилганда;

б) аккредитация аттестати сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда.

Аккредитация аттестатини бекор қилиш ушбу банднинг «б» кичик бандида назарда тутилган ҳолда суд қарорига, бошқа ҳолларда эса, Аккредитация комиссияси қарори асосида амалга оширилади.

78. Аккредитация аттестатининг амал қилиши тўхтатилганда, тугатилганда, аккредитация аттестати бекор қилинганда, қайта расмийлаштирилганда, унга ўзгартиришлар киритилганда ёки дубликат берилганда аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари реестрига тегишли ёзувлар киритилади.

79. Аккредитация аттестатининг амал қилиши тўхтатилганда, тугатилганда ёки аккредитация аттестати бекор қилинганда эксперт ташкилоти қуйидагиларни бажариши шарт:

а) аккредитациядан ўтган эксперт ташкилоти аккредитацияга боғлиқ бажарадиган ишларнинг бажарилишини зудлик билан тўхтатиш;

б) ўз буюртмачиларини бу ҳақда огоҳлантириш;

в) аккредитация аттестатининг асл нусхасини уч иш куни муддатида ваколатли органга қайтариш.

IX. Аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари реестрини юритиш

80. Ваколатли орган томонидан аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари реестри юритилади.

81. Аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари реестрида қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) аккредитациядан ўтган эксперт ташкилотлари ҳақидаги асосий маълумотлар (эксперт ташкилоти номи, эксперт ташкилоти раҳбарининг фамилияси, исми, отасининг исми, эксперт ташкилоти юридик ва почта манзиллари, телефон ва факс рақамлари, электрон почта ва веб саҳифа манзиллари, филиаллари ҳақидаги маълумотлар);

б) аккредитация соҳаси ҳақидаги маълумотлар;

в) аккредитация аттестатининг берилган санаси, рўйхат рақами ва амал қилиш муддати;

г) аккредитация аттестати ва соҳаси бланкларининг серияси ва рақамлари;

д) аккредитация аттестатининг амал қилишини тўхтатилиши, тугатилиши, аккредитация аттестатининг бекор қилиниши ёки кучга кириши учун асос ва унинг санаси.

82. Аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари реестри «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси веб саҳифасига жойлаштирилади.

Х. Яқуний қоида

83. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши билан келишилган.

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.*

А. ХАЙТОВ

2009 йил 14 август

Фавқулодда вазиятлар вазири

К. АХМЕДОВ

2009 йил 14 август

*Давлат архитектура ва
қурилиш қўмитаси раиси*

Б. ХОДЖАЕВ

2009 йил 14 август

*Геология ва минерал ресурслар
давлат қўмитаси раиси*

Н. МАВЛЯНОВ

2009 йил 14 август

*Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

2009 йил 14 август

*Ўзбекистон стандартлаштириш,
метрология ва сертификатлаштириш
агентлиги Бош директори*

А. АБДУВАЛИЕВ

2009 йил 14 август

*Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

2009 йил 14 август

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт
ташкilotларини аккредитация қилиш ва
улар фаолияти устидан инспекция
назоратини ўтказиш қоидаларига
1-ИЛОВА

*Саноат хавфсизлиги соҳасида эксперт
ташкilotларини аккредитация қилиш
бўйича ваколатли орган раҳбарига*

**Аккредитациядан ўтиш (қайта аккредитациядан ўтиш,
аккредитация соҳасини кенгайтириш) учун
АРИЗА**

_____ саноат хавфсизлиги
(бўйртмачи ташкilot номи)

соҳасидаги эксперт ташкilotи сифатида аккредитация қилишингизни (қайта аккредитация қилишингизни, аккредитация соҳасини кенгайтириб беришингизни) сўрайди.

Эксперт ташкilotи номи	
Раҳбарнинг Ф.И.О.	
Юридик манзили	
Почта манзили	
Телефон (коди билан)	
Факс	
e-mail	
Масъул вакилнинг Ф.И.О.	

Илова қилинаётган ҳужжатлар:

_____ (масъул раҳбар лавозими)

_____ (имзо)

_____ (Ф.И.О.)

М.Ў.

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларига
2-ИЛОВА

АККРЕДИТАЦИЯ МЕЗОНЛАРИ

§ 1. Эксперт ташкилоти бошқаруви бўйича талаблар

1. Эксперт ташкилоти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ юридик шахс мақомига эга бўлиши керак.
2. Эксперт ташкилоти ўз фаолиятини самарали олиб боришини таъминловчи ташкилий тузилмага ва бошқариш тизимига эга бўлиши керак.
3. Эксперт ташкилоти ташкилий чизмаси, ўзининг бўлинмалари, уларнинг функциялари ва улар орасидаги ўзаро алоқаларни ўз низомида акс эттириши керак. Эксперт ташкилоти иш фаолияти жорий ҳолатини акс эттирувчи ўзгартиришлар ўз вақтида низомга киритилиши керак.

§ 2. Эксперт ташкилоти фаолиятининг мустақиллигига ва холислигига талаблар

4. Эксперт ташкилотига ва унинг ходимларига иш фаолияти натижаларига таъсир кўрсатадиган тижорат, молиявий, маъмурий ёки бошқа турдаги босим ва таъсир ўтказилмаслиги зарур.
5. Эксперт ташкилоти ва унинг ходимлари холис иш олиб боришлари ҳамда ўз иш натижаларида объектнинг ҳақиқий ҳолатини акс эттиришлари керак.
6. Эксперт ташкилоти ва унинг ходимлари экспертиза объектларига алоқадор бўлмаслиги керак.

§ 3. Маълумотларнинг махфийлигига талаблар

7. Эксперт ташкилоти ходимлари иш фаолияти натижасида олинган маълумотлар ва натижаларни сир сақлашлари ҳамда буюртмачи ҳақидаги маълумотларни уларнинг ёзма розилигисиз ошкор этмасликлари лозим (қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно).
8. Эксперт ташкилоти ҳар бир ходими иш жараёнида олинadиган маълумотлар ва натижаларнинг махфийлигини таъминлаши ҳақида огоҳлантирилиши ҳамда тегишлича расмийлаштирилган бўлиши зарур.
9. Давлат сирларини ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат бўлган маълумотларни ўз ичига олган ҳужжатлар билан ишламоқчи бўлган эксперт ташкилоти ходимлари қонунчиликда белгиланган тартибда махфий ҳужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлиши зарур.

§ 4. Ходимларга талаблар

10. Эксперт ташкилоти штатида режалаштирилган ишларнинг бажарилишини таъминлаш учун аккредитация соҳасига мос келадиган экспертларга ва малакали мутахассисларга эга бўлиши керак.

11. Эксперт ташкилотида режалаштирилган ишларнинг ва юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича жавобгарлик эксперт ташкилоти раҳбари зиммасига юкланади.

Эксперт ташкилоти раҳбарининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а) эксперт ташкилоти фаолиятини мазкур Аккредитация мезонларига доимий мувофиқлигини таъминлаш;

б) мазкур Аккредитация мезонларининг 22-бандига мувофиқ сифат соҳасидаги сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

в) эксперт ташкилотида ишларнинг тўғри ташкил қилиниши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва ресурслар билан таъминлаш.

12. Эксперт ташкилотида мазкур Аккредитация мезонларига доимо мувофиқ бўлиши учун қуйидаги йўналишларда масъул ходимлар тайинланган бўлиши зарур:

а) хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш, экспертизани амалга ошириш, шунингдек саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш учун масъул ходимлар (эксперт ташкилотида алоҳида фаолият билан шуғулланадиган бир нечта бўлинмалар бўлган тақдирда бу каби ходимлар сони бир нечта бўлиши мумкин);

б) сифатни бошқариш тизимига масъул ходим (сифат бўйича бошқарувчи);

в) норматив ҳужжатлар базасини юритиш бўйича масъул ходим;

г) иш фаолияти учун зарур бўлган жиҳозлар ва асбоблар, шунингдек уларни яроқли ҳолда тутиш учун масъул ходим.

13. Эксперт ташкилоти раҳбари ва масъул ходимлари ўз иш жойида йўқлигида уларнинг вазифаларини бажарадиган шахслар тайинланиши керак.

14. Эксперт ташкилоти раҳбари ва масъул ходимлари эксперт мақомига эга бўлиши лозим.

15. Эксперт ташкилоти ходимлари ўз лавозим йўриқномасида кўрсатилган вазифаларни тўлиқ ва сифатли бажариш учун зарур бўлган тегишли касбий тайёргарлик, назарий билим ва амалий тажрибага эга бўлишлари керак.

Эксперт ташкилоти ўз ходимларини ўқитиши, доимий малакасини ошириши ва бириктирилган вазифаларни бажариши юзасидан режали ички аттестацияни ўтказиши керак.

16. Эксперт ташкилоти мазкур Аккредитация мезонларининг 1-илова-сида келтирилган шаклларда ўз ходимлари ҳақидаги маълумотлар ҳисобини юритиши зарур.

17. Барча ходимлар лавозим йўриқномаларига эга бўлиши керак. Лаво-

зим йўриқномалари эксперт ташкилоти раҳбари томонидан тасдиқланган ва ходимларга таништирилган бўлиши керак.

§ 5. Жиҳозлар, асбоблар ва материалларга талаблар

18. Эксперт ташкилоти ўз фаолияти билан боғлиқ барча ишларни бажариши учун зарур бўлган жиҳозлар, асбоблар ва материалларга эга бўлиши лозим.

19. Экспертизани амалга оширишда зарур синовларни ўтказиш учун эксперт ташкилоти қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

а) синовларни ўтказиш учун зарур бўлган назорат, синов, диагностик жиҳозлари ва ўлчаш воситалари, уларнинг эксплуатация ҳужжатлари ҳамда уларни ишлатадиган малакали мутахассислар мавжуд бўлиши керак;

б) эксперт ташкилоти мазкур Аккредитация мезонларининг 2-иловасида келтирилган шаклда барча назорат, синов, диагностик жиҳозлари ва ўлчаш воситаларининг ҳисобга олинишини ҳамда ишлаш лаёқатини ва аниқликни таъминлаш даврийлигида метрологик назоратдан ўтказилишини таъминлаши зарур.

Мазкур банд талабларини бажара олмаган эксперт ташкилоти зарур синовларни ўтказиш учун тегишли лабораториялар ва (ёки) бошқа эксперт ташкилотлари билан шартномалар расмийлаштириши керак. Синовларни ўтказиш учун жалб этиладиган лабораториялар ва (ёки) бошқа эксперт ташкилотлари белгиланган талабларга жавоб бериши керак.

20. Эксперт ташкилоти иш фаолиятида компьютерлар ёки бошқа автоматлаштирилган жиҳозлардан фойдаланилганда дастурий воситалар фойдаланиш учун яроқлилигини текшириб туриши, маълумотларнинг тўлиқлигини ва хавфсизлиги таъминланиши керак.

§ 6. Сифатни бошқариш тизими

21. Эксперт ташкилоти бажарилаётган ишлар хусусиятига мос келадиган, сифат стандартларига мувофиқ, сифатни бошқариш тизимини жорий этиши ва унинг самарали ишлашини таъминлаши лозим.

22. Эксперт ташкилоти раҳбарияти сифат соҳасида ўзининг сиёсатини ўрнатиши ва тушунарли ҳолда расмийлаштириши ҳамда эксперт ташкилотининг барча бўлинмаларида ушбу сиёсатнинг бажарилишини таъминлаши лозим.

23. Эксперт ташкилоти раҳбарияти ўз хизмат вазифаларидан қатъи назар, эксперт ташкилоти фаолияти доирасида мазкур Аккредитация мезонларининг 12-бандига мувофиқ сифатни бошқариш тизимига масъул ходим (сифат бўйича бошқарувчи)ни тайинлаши лозим. Сифат бўйича бошқарувчи бевосита биринчи раҳбарга бўйсунуши ҳамда тезкор чоралар кўриш мақсадида сифат талабларига ва аккредитация мезонларига мувофиқлик масалалари тўғрисида ахборот берилишини таъминлаши керак.

24. Эксперт ташкилоти ўз ишининг самарадорлигини, шунингдек белгиланган талабларга мувофиқлигини назорат қилиш учун ички текширувларни ўтказиб туриши лозим. Ички текширувлар ўтказилганда ички ҳужжатларининг самарали ишлаши, ходимларнинг иши ва иш натижалари текширилиши керак.

25. Эксперт ташкилотида ички текширувларни ўтказиш соҳаси, текширув натижалари ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш билан боғлиқ ҳаракатлар рўйхатга олиниши керак.

26. Эксперт ташкилотида номувофиқликларни қайд этиш, уларни бартараф этиш ва бартараф этилганлиги самарадорлигини баҳолаш тартиби ишлаб чиқилиши керак.

§ 7. Ҳужжатларга талаблар

27. Эксперт ташкилоти тасарруфида ўз фаолияти билан боғлиқ, аккредитация соҳаларига мувофиқ қонун ҳужжатлари ҳамда норматив техник ҳужжатлар (норматив ҳужжатлар базаси) мавжуд бўлиши керак. Мазкур Аккредитация мезонларининг 12-бандига мувофиқ норматив ҳужжатлар базасини юритиш бўйича тайинланган масъул ходим мавжуд ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни мазкур Аккредитация мезонларининг 3-иловасида келтирилган шаклда юритиши керак.

28. Эксперт ташкилотида барча норматив ҳужжатлар янгиланиб борилиши, амал қилиш муддати ўтган ҳужжатлар ўз вақтида белгиланиши ва фойдаланишдан чиқарилиши керак. Эксперт ташкилотида ходимларга мавжуд норматив ҳужжатлардан тўсиксиз фойдаланиш имконияти яратилган бўлиши керак.

§ 8. Ишларни бажаришга талаблар

29. Эксперт ташкилоти ўз иш фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, норматив техник ҳужжатлари талабларига риоя этиши ҳамда Аккредитация комиссияси қарорлари, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси ва ваколатли орган кўрсатмалари бажарилишини таъминлаши керак.

30. Эксперт ташкилоти иш фаолиятига тегишли бўлган қонун ҳужжатлари, норматив техник ҳужжатларни ҳамда ўз ички ҳужжатларини (шу жумладан, киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчаларни) ўз вақтида ўрганиш ва бажариш мақсадида ходимлар диққатига етказиш тартибига эга бўлиши керак.

31. Эксперт ташкилоти ўз ходимларининг самарали ишлаши учун зарур шароитлар яратилган бино(хоналар)га, жиҳозларга ва асбобларга, шунингдек уларни яроқли ҳолда тутиш тизимига эга бўлиши керак.

32. Эксперт ташкилоти ўзининг иш шароитларига ва хусусиятларига мос келадиган, ишларни бажариш тартиблари кўрсатилган фаолият бўйича қўлланмага эга бўлиши керак. Эксперт ташкилоти иш фаолияти жорий ҳола-

тини акс эттирувчи ўзгартиришлар ўз вақтида фаолият бўйича қўлланмага киритилиши керак. Фаолият бўйича қўлланма ва унга киритиладиган барча ўзгартиришлар ваколатли орган билан келишилиши зарур.

33. Эксперт ташкилотининг хавфли ишлаб чиқариш объектларини идентификация қилиш, экспертизани амалга ошириш бўйича бажарилган иш натижалари экспертиза хулосасида акс эттирилиши лозим. Эксперт ташкилотининг саноат хавфсизлиги декларациясини ишлаб чиқиш бўйича бажарилган иш натижалари саноат хавфсизлиги декларациясида акс эттирилиши лозим.

Экспертиза хулосаси ва саноат хавфсизлиги декларацияси Ўзбекистон Республикаси саноат хавфсизлиги соҳасидаги қонун ҳужжатлари, норматив техник ҳужжатлари талаблари асосида расмийлаштирилиши лозим.

34. Ишларни бажариш жараёнида олинган кузатувлар ва (ёки) маълумотлар ўз вақтида ёзиб борилиши лозим.

Эксперт ташкилоти ўз иш натижаларини асослаб бериши учун иш фаолиятидаги зарур ҳужжатлар ва маълумотлар ҳисобини юритиши ва уларни сақлаши керак.

35. Эксперт ташкилоти экспертиза хулосалари бланklarини сақлаш, фойдаланиш ва ҳисобдан чиқариш тартибига эга бўлиши керак.

36. Эксперт ташкилоти расмийлаштирилган экспертиза хулосалари, ишлаб чиқилган саноат хавфсизлиги декларациялари реестри (рўйхати)ни юритиши лозим. Бу рўйхат белгиланган шаклларда ҳар ойда бир маротаба (кейинги ойнинг 5-санасига қадар) ҳисоб юритиш учун «Саноатконтехназорат» давлат инспекциясига тақдим этилиши зарур.

37. Эксперт ташкилоти шартномаларни назорат қилиш тизимига эга бўлиши керак. Бу тизим қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) буюртмачи талабларига мувофиқ бажариладиган ишлар эксперт ташкилоти аккредитация соҳасига мос келиши ва бу ишларни бажариш учун эксперт ташкилотида зарур ресурслар мавжудлигини текшириш;

б) бажариладиган ишларни мунтазам текширувлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳаракатлари билан назорат қилиш;

в) бажариладиган ишлар ўрнатилган талабларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида бажарилган иш натижаларини текширилиши.

38. Эксперт ташкилотида ишларни хавфсиз равишда олиб бориш бўйича йўриқнома ишлаб чиқилган бўлиши керак.

39. Эксперт ташкилоти экспертиза объектлари унинг жавобгарлиги остида бўлган вақтда экспертиза объектларини зарарсиз сақлаши керак.

§ 9. Шикоят ва мурожаатларни кўриб чиқиш

40. Эксперт ташкилоти буюртмачи ёки бошқа шахсларнинг шикоят ва мурожаатларини кўриб чиқиш тартибини ишлаб чиқиши ва татбиқ қилиши керак.

41. Эксперт ташкилоти барча шикоят ва мурожаатларни ҳамда уларни

кўриб чиқиш натижасида қилинган ишлар ҳақидаги ёзувларни қайд этиши лозим.

§ 10. Эксперт ташкилотида ўзгаришлар

42. Ваколатли орган аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари реестрини юритиш, мазкур Қоидаларнинг талабларига доимий мувофиқликни ўрната олиши ва зарурат бўлганида аккредитация аттестатига ўзгартиришлар кирита олиши учун, эксперт ташкилоти барча режалаштирилаётган қуйидаги ўзгартиришлар тўғрисида, улар киритилмасидан олдин хабар бериши зарур (раҳбариятга штатларда бўладиган ўзгартиришлар олдиндан номаълум бўлган ҳоллар бундан истисно бўлиб, бу ўзгартиришлар тўғрисида имкони борида қисқа муддатда хабарнома юборилади):

- а) юридик шахсга тегишли маълумотлар;
- б) эксперт ташкилоти номи, юридик ва почта манзиллари;
- в) масъул раҳбар ва мазкур Аккредитация мезонларининг 12-бандига мувофиқ тайинланган ходим;
- г) эксперт ташкилоти фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бинолар, жиҳозлар, асбоблар, материаллар, иш тартиблари ва ходимлар.

Аккредитация мезонларига
1-ИЛОВА

Аккредитация соҳасидаги ишларни бажарувчи ходимлар ТАРҚИБИ

Т/р	Ф.И.О.	Лавозими	Маълумоти	Фаолият соҳаси, экспертиза объекти	Ички аттестациядан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотлар (эксперт гувоҳномаси ҳақидаги маълумотлар)	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7

Изоҳ: мазкур ташкилот асосий иш жойи ҳисобланган мутахассислардан ташқари жалб қилинадиган бошқа ташкилот мутахассислари алоҳида кўрсатилади (бу ҳақда жадвалнинг 7-бўлимида кўрсатилади).

Эксперт ташкилоти ходимининг малака варақаси

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Туғилган кун, ой, йили _____
3. Иш жойи, лавозими _____
4. Маълумоти, маълумоти бўйича ихтисослиги _____
5. Илмий даражаси, илмий унвони _____
6. Ихтисослик соҳаси бўйича иш тажрибаси _____
7. Уй манзили, телефон рақами _____

8. Иш фаолияти тўғрисидаги маълумотлар

Ишлаган даври	Ташкилот номи, шаҳар	Лавозими
1	2	3

9. Экспертиза ўтказиш борасидаги ишлардаги иштироки

Сана	Ташкилот, шаҳар	Объект
1	2	3

10. Махсус тайёргарлик ва аттестациядан (сертификациядан) ўтганлиги ҳақида маълумот

Сана	Ташкилот, шаҳар	Ихтисослик	Гувоҳнома рақами
1	2	3	4

11. Конгресслар, конференциялар ва семинарларда иштироки

Сана	Ўтказилган жой	Мавзу	Маъруза мавзуси
1	2	3	4

12. Нашр этилган ишлари

Сана	Номи	Нашриёт, ҳажми
1	2	3

Варақанинг охириги марта ўзгартирилган санаси: _____

Раҳбар имзоси _____

Эксперт имзоси _____

Аккредитация мезонларига
2-ИЛОВА

**Назорат, синов ва диагностик жиҳозлар ҳамда ўлчов
воситалари ҳақидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Жиҳоз ёки ўлчов асбоблари номи	Жиҳозлар ёки ўлчов асбобларини эксплуатация қилишга оид ҳужжатларнинг мавжудлиги	Ишлаб чиқарувчи (мамлакат, фирма)	Жиҳозлар ёки ўлчов асбобларини текширувдан ўтганлиги ҳақидаги маълумотлар	Изоҳ
1	2	3	4	5	6

Аккредитация мезонларига
З-ИЛОВА

**Норматив ҳужжатлар ҳақидаги
МАЪЛУМОТЛАР**

Т/р	Ҳужжат белгиси	Ҳужжат номи	Ҳужжат ким томонидан ва қачон тасдиқланган, амал қилиш санаси	Изоҳ
1	2	3	4	5

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт
ташкilotларини аккредитация қилиш ва
улар фаолияти устидан инспекция
назоратини ўтказиш қоидаларига
З-ИЛОВА

МАЖБУРИЯТ ВАРАҚАСИ

Мен, _____
(фамилияси, исми, отасининг исми)

- _____
(иш жойи)

_____ (лавозими)

баҳолашни ўтказиш талабларига риоя қилиш, баҳолаш натижасида олинган
маълумотларни бошқаларга ошкор этмаслик, шунингдек баҳолаш ишларига
ҳаққоний ва холис ёндашиш мажбуриятини ўз зиммамга оламан.

_____ (имзо)

_____ (сана)

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларига
4-ИЛОВА

Номувофиқлик баённомаси

Сана: _____ Номувофиқлик баённомаси тартиб рақами _____	
_____ Талаби бажарилмаган (риоя этилмаган) норматив ҳужжат номи ва (ёки) белгиси	_____ Талаби бажарилмаган (риоя этилмаган) норматив ҳужжатнинг тегишли банди
Масъул комиссия вакили _____ (Ф.И.О.)	Эксперт ташкилоти масъул вакили _____ (Ф.И.О., лавозими)
Номувофиқлик мазмуни: _____ (Масъул комиссия вакилининг имзоси)	
Номувофиқликни бартараф этиш учун ўтказилган тадбир: _____ (Эксперт ташкилоти масъул вакилининг имзоси) _____ (сана)	
Номувофиқликни бартараф этилганлигини текшириш натижалари: _____ (Масъул комиссия вакилининг имзоси) _____ (сана)	

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт
ташкilotларини аккредитация қилиш ва
улар фаолияти устидан инспекция
назоратини ўтказиш қоидаларига
5-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТДА,
КОНЧИЛИҚДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА
ИШЛАРНИНГ БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШINI НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ»**

САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ТИЗИМИ

_____ни жойига бориб баҳолаш бўйича
(эксперт ташкилоти номи)

**20__ йил «__» _____даги _____ - сон
ДАЛОЛАТНОМА**

_____ (эксперт ташкилоти ҳақидаги асосий маълумотлар)

_____ баҳолаш ўтказилган жой (шаҳар, туман)

«Саноатконттехназорат» давлат инспекциясининг 20__ йил «__» _____да
__-сон буйруғи асосида қуйида кўрсатилган таркибдаги комиссия:

Комиссия раиси _____
(Ф.И.О., лавозими)

Комиссия аъзолари _____
(Ф.И.О., лавозими)

20__ йил «__» _____дан 20__ йил «__» _____гача бўлган
муддатда _____ни аккредитация
(эксперт ташкилоти номи)

мезонларига мувофиқлигини баҳолаш ишларини олиб боришди.

Баҳолаш жараёнида қуйидагилар аниқланди: _____

Комиссия тавсиялари: _____

Хулоса: _____

Комиссия раиси

_____ (имзо, Ф.И.О.)

Комиссия аъзолари

_____ (имзо, Ф.И.О.)

Эксперт ташкилоти
раҳбари

_____ (имзо, Ф.И.О.)

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларига
6-ИЛОВА



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТДА,
КОНЧИЛИКДА ВА КОММУНАЛ-МАИШИЙ СЕКТОРДА
ИШЛАРНИНГ БЕХАТАР ОЛИБ БОРИЛИШINI НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ
«САНОАТКОНТЕХНАЗОРАТ»**

САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ЭКСПЕРТИЗАСИ ТИЗИМИ



20__ йил «__» _____да аккредитация қилинган эксперт ташкилотлари реестрида ЭТ - _____сон билан рўйхатга олинган.
Амал қилиш муддати 20__ йил «__» _____ гача

АККРЕДИТАЦИЯ АТТЕСТАТИ

Ушбу аккредитация аттестати _____

(эксперт ташкилоти номи ва юридик манзили)

саноат хавфсизлиги экспертизасини амалга оширадиган ташкилотларга қўйиладиган талабларга мувофиқлигини тасдиқлайди.

Аккредитация соҳаси ушбу аккредитация аттестатининг ажралмас қисми бўлган иловада кўрсатилган.

Ваколатли орган
раҳбари

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларига
7-ИЛОВА

**ЭТ-_____ -сонли Аккредитация аттестатига
ИЛОВА**

___ варагдан ___ -варағи

(эксперт ташкилоти номи ва юридик манзили)

АККРЕДИТАЦИЯ СОҲАСИ

Т/р	Иш турлари, саноат тармоғи, экспертиза объектлари	Иш турларини бажариш бўйича тегишли қонун ҳужжатлари ва норматив техник ҳужжатлар номи ва (ёки) белгиси
1	2	3

Ваколатли орган
раҳбари

М.Ў.

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 17 октябрдан 23 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг базавий лавозим маошлари миқдорларини ўзгартириш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлигининг 2009 йил 22 сентябрдаги 11, 59 Қ/Қ, 96-сонли қарори.*

2009 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2019 (2009 йил 26 октябрдан кучга киради).

2. «2006 йил 19 июндаги 517-сонли ва 2007 йил 22 февралдаги 12-сонли буйруқларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошлигининг 2009 йил 13 октябрдаги 37-сонли буйруғи.*

2009 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1597-2 (2009 йил 26 октябрдан кучга киради).

3. «Нотариал идоралар ва адвокатлик тузилмаларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2009 йил 13 октябрдаги 10, 39-сонли қарори.*

2009 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2020 (2009 йил 29 октябрдан кучга киради).

4. «Тижорат банклари томонидан кредит портфели таркибида узоқ муддатли инвестициявий молиялашнинг улушига қараб фойда солиғи бўйича солиқ имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви,*

Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 18 сентябрдаги 92, 26/1, 2009-28-сонли қарори.

2009 йил 19 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2021 (2009 йил 29 октябрдан кучга киради).

5. «Саноат хавфсизлиги соҳасидаги эксперт ташкилотларини аккредитация қилиш ва улар фаолияти устидан инспекция назоратини ўтказиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 24 августдаги 167-сонли буйруғи.

2009 йил 20 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2022 (2009 йил 30 октябрдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотларда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш юзасидан ички назоратни амалга ошириш қоидалари ва ушбу Қоидаларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ҳақида буйруқ. *Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1597, 2006 йил 19 июль), (рўйхат рақами 1597-1, 06.03.2007 й.).*

Адлия вазирининг 2009 йил 16 октябрдаги 231-мҳ-сонли буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

**Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари тўғрисида
АХБОРОТ**

Т/р	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил қилган юридик шахснинг номи ва жойлашган жойи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ҳисобини рўйхатдан ўтказиш тартиб рақами ва санаси	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди судьялари (Ф.И.О.)
1.	Андижон шаҳар «Брем-Анд-Контакт» масъулияти чекланган жамияти (Андижон вилояти, Андижон шаҳри, Б. Раҳимов кўчаси, 22-уй)	№ 32 07.08.2009 й.	1. Якубов Тожидин Якубович 2. Аҳмедов Набижон Абсаломович 3. Камбаров Абдурахмон Рахимович 4. Турсунов Пахлавон
2.	Пахтаобод тумани, «Баркамол Шамс Нури» масъулияти чекланган жамияти (Андижон вилояти, Андижон шаҳри, 2-кичик даҳа, 4/2-уй)	№ 36 07.08.2009 й.	1. Хурбаев Абдулҳаким Абдухалилович 2. Низомов Хасанбой Бурхонович 3. Джурабоев Бахтиёр Юлдашевич 4. Қодиров Умирбек Мамарозиқович
3.	«Зиндаги» хусусий корхонаси (Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, А. Темур кўчаси, 39-уй)	№ 2 02.07.2009 й.	1. Сангинов Аймаҳаммед Ашурович 2. Фаттахутдинов Рамилъ Тарихович 3. Шин Николай Борисович 4. Мусаҳаний Алишер Ғолибжон ўғли*
4.	«Micro-trans» хусусий корхонаси (Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани, Озодлик қишлоғи, 8-сон ўрта мактаб)	№ 3 26.08.2009 й.	1. Фаттахутдинов Рамилъ Тарихович 2. Сангинов Аймаҳаммед Ашурович 3. Мусаҳаний Алишер Ғолибжон ўғли 4. Сивак Ирина Владимировна 6. Булатова Мавлюда Гаймановна
5.	Тошкент шаҳар «Ахборот маслаҳат маркази» (Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 7 «а»-уй)	№ 04 08.09.2009 й.	1. Умаров Аскаралӣ Камбаралиевич 2. Мухаммедов Азамат Рустамович 3. Мирзаев Шовкат Саидкаримович 4. Розибоев Шухрат Кузибаевич 5. Абилов Саидмурод Шеркулович 6. Абдуллаев Шухрат Муратбоевич 7. Мирабалов Мирсаид Мирзааҳмедович

* 21.07.2009 йилдаги 63-сонли қарор ва 21.07.2009 йилдаги 6/ТС-сонли хатга асосан Казаков Григорий Александрович чиқарилиб унинг ўрнига Мусаҳаний Алишер Ғолибжон ўғли киритилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUZ) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг кўйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг